

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ
РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

**АМАЛИЙ САНЪАТ ФАКУЛЬТЕТИ
БАДИЙ КУЛОЛЧИЛИК ВА ТАЪМИРЛАШ КАФЕДРАСИ**

“Ҳимояга рухсат этилсин”
Факультет декани
_____ С.Дж.Саидова
“ ____ ” _____ 2016 йил

5151200 -Амалий санъат таълим йўналиши,
Амалий санъат асарларини таъмирлаш бўлими талабаси

Эшматова Зебо Нормўмин қизининг

**ТЕРМИЗШОҲЛАР САРОЙИ ЎЙМА ГАНЧКОРЛИК БЕЗАКЛАРИНИ
ТАЪМИРЛАШ ЛОЙИХАСИ (XI-XII АСРЛАР) мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: “Бадиий
кулолчилик ва таъмирлаш”
кафедраси катта ўқитувчиси
_____ И.Жониева

“Ҳимояга тавсия этилсин”
“Бадиий кулолчилик ва
таъмирлаш” кафедраси мудири
_____ Д.Хайтметов
“ ____ ” _____ 2016 йил

Тошкент – 2016

Мазкур битирув малакавий иши Бадий кулолчилик ва таъмирлаш кафедрасида бажарилган Бадий кулолчилик ва таъмирлаш кафедрасининг 2016 йил ____ даги № ____ - сонли мажлисида ҳамда Амалий санъат факультетининг 2016 йил ____ даги № ____ - сонли факультет Кенгашида муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия этилган.

Такризчи: _____

Битирув малакавий иши ҳимояси 20 __ йил __ июн соат ____ да Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси 123.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ГАНЧ ЎЙМАКОРЛИК САНЪАТИ ТАРИХИ.

I.1. Ганч ва унинг хусусиятлари.

I.2. Ганч ўймакорлигида нақш элементларини чизиш.

I.3. Ганч ўймакорлиги турлари.

I.4. Пардоз ва унинг турлари.

I.5. Ганч ўймакорликда ишлатиладиган материаллар.

I.6. Ганч ўймакорлигида ишлатиладиган асбоб-ускуналар.

I.7. Ганч ўймакорлигининг меъморчиликда қўлланилиши.

II БОБ. XI-XII АСРЛАРГА ОИД ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ ТЕРМИЗШОҲЛАР САРОЙИ.

II.1. Ўзбекистонда меъморий ёдгорликларни таъмирлаш тушунчаси.

II.2. Термизшоҳлар саройи меъморчилиги.

II.3. Термизшоҳлар саройининг ганчкорлик безаклари.

III БОБ. ТЕРМИЗШОҲЛАР САРОЙИ ЎЙМА ГАНЧКОРЛИК БЕЗАКЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ЛОЙИХАСИ (XI-XII АСРЛАР).

III.1. Ганчкорлик безакларини лойиҳадаги жараёнларнинг таҳлили.

III.2. Ганчкорлик безакларини амалий жиҳатдан ашёда бажарилган ишлар таҳлили.

ХУЛОСА.

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ.

АДАБИЁТЛАР.

ИЛЛЮСТРАЦИЯ.

КИРИШ

Истиқлол туфайли бой маданий ва маънавий меросимизни яратган улуғ аждодларимиз Алишер Навоий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Мотурудий, ат-Термизий, Имом ал-Марғилоний, Мирзо Бобур каби кўплаб аллома-ю фозилларнинг номлари тикланди, кўхна тарихининг асл зарварақлари ўқиладиган бўлди. Меъморчилик соҳасида қатор тарихий ёдгорлик мажмуалари қуриладиганлиги, таъмирланиши, шу билан бирига, боғ-роғлар барпо этилиб, ободончилик ишлари бажариладиганлиги мустақиллик йилларидаги долзарб “бунёдкорлик медалари”дандир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов ташаббуси билан 1991-йилда Хивадаги “Ичан қалъа”, 1993-йилда Бухоро шаҳрининг тарихий маркази, 2000-йилда Шаҳрисабзнинг Амир Темур ва темурийлар даври меъморий обидалари, 2001-йилда Самарқанд шаҳрининг тарихий ёдгорликлари “Бутунжаҳон маданий мерослари рўйхати”га киритилгани халқимиз учун ифтихор бахш этади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофазалаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” ги қонуни (2001 йил 30 августда қабул қилинган) тарихий ва меъморий обидалари муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида жаҳон андазаларига мос қонуний асосни яратди. Афсуски, XX асминг 20-30-йилларидан бошлаб халқимизнинг маданий меросини йўқотиш, нивелирлаш “сиёсати” натижасида меъморий обидаларимиз омборларга, ташландиқ жойларга ҳатто маҳбуслар сақланувчи қамоқхоналарга айлантирилган эди. Юзлаб масжид, мадраса, мақбара каби ислом обидалари харобага айланганлигининг ҳаммамиз гувоҳимиз. Бу ачинарли ҳақиқат мустақиллигимизнинг биринчи йиллариданоқ ошқор этилди.

Улуғбек мадрасасининг рўпарасида қурилган Шердор мадрасаси (1616-1636 йиллар), Тиллакори мадрасаси (1646-1660 йиллар) мустақиллик йилларида тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, Регистон майдони аждодларимиз маҳоратидан,

шон-шавкатидан ёрқин бир ёдгорлик мажмуасидир. Кўҳна шаҳарларимиз: Бухоронинг 2500 йиллиги (1997-йил); Хиванинг 2500 йиллиги (1997-йил), Термизнинг 2500 йиллиги (2002-йил), Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги (2002-йил) муносабати билан ўнлаб меъморий обидалар — мадраса, масжид, қадимий савдо расталари, саройлар, меъморий мажмуалар таъмирланди. Буюк ипак йўли устида жойлашган Бухоройи шариф қадимда энг ривожланган шаҳарлардан бири бўлганлиги тарихдан маълум. Юбилей шарофати билан Мағоки Аттори масжиди, сайёҳлар учун энг сеvimли обидалардан Масжиди Калон, баландлиги 50 метр келадиган Минорайи Калон, Мир Араб мадрасаси, Қўшмадраса: Модарихон, Абдуллахон, Лаби ҳовуз, Нодир Девонбеги масжиди ва мадрасаси каби ўнлаб обидалар таъмирланди. Чўкиб кетиш хавфи остида қолган энг нодир ва қадим ёдгорлик Исмоил Сомоний (ИХ-Х асрлар) мақбараси таъмирланиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги тарихий ёдгорликлар орасида биринчилардан бўлиб ЮНЕСКОнинг умумжаҳон маданияти мероси рўйхатига киритилганлиги катта аҳамият касб қилади. Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилеи (2002-йил) халқаро миқёсда кенг нишонланди. Шу муносабат билан Сурхондарё воҳасида Ал Ҳаким ат-Термизий, Қирққиз, Султон Саодат мажмуалари, Кокилдор ота хонақоҳи, Имом Исо ат-Термизий мақбараси, Қора тепа, Фаёз тепа будда еҳромлари каби тарихий ва археологик обидалар таъмирланди. Термиз шаҳри яқинидаги Жарқўрғон минораси (1108-йил) ҳам яна ўз кўркемлиги, ўзига хос услуби билан тикланди. Хива меъморлиги ўзига хос услубий ва бадиий жиҳатлари билан ажралиб туради. “Шарқ гавҳари” деб тан олинган Хива шаҳрининг 2500 йиллиги (1997-йил) жаҳон миқёсида кенг нишонланиши туфайли ўнлаб тарихий обидалами ўз ичига олган “Ичан қалъа” музей-қўриқхонаси бутунлай янгича чирой очди. Ҳозирги Хиванинг Ичан қалъасидаги ёдгорликларнинг аксарияти XIX асрда бунёд этилган. Қалъа деворлари ва дарвозалари, хон саройи, кўплаб мадраса ва масжидлар мажмуаси шарқона муҳитни вужудга келтирган. Жума масжиди (XVIII аср) тўрт томондан

ғишт деворлар билан ўралган ва 212 ёғоч устунли айвондан иборат. Оллоқулихон мадрасаси (1835-йил), Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ва бошқалар ўймакорлик услубида безатилганлиги билан бебаходир. Ичан қалъадаги ёдгорликлар ичида энг баланди Исломхўжа минорасидир (1910-йил). Исломхўжа мадрасаси ва минораси Хиванинг доврўғини оламга таратган яхлит архитектура ансамблини ташкил этади. Қарши шаҳрининг юбилей тантаналари (2006-йил) ва шу муносабат билан қайтадан тикланган маҳобатли масжидлар мажмуйи: Одина масжиди ва сардобаси, Абдулазизхон, Қиличбой мадрасалари, Ўрта аср кўприги ёдгорликлари бунёдкорлик ишларининг ёрқин далилидир.

Тарихдан маълумки, энг кўп тараққий этган шаҳарлардан бири кўҳна Тошкент XVI асрга келиб меъморслииликда янада ривожланган. Ўша вақтда Шайх Хованди Тохур ва Юнусхон мақбаралари қурилиши тугалланди. Барокхон мадрасаси ва Шайх Абубакр Муҳаммад Қафғол Шоший мақбараси, Кўкалдош мадрасаси бунёд этилди. Бу обидалар мустақиллик йилларида қайтадан таъмирланди. Ҳозир Барокхон мадрасасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси жойлашган. У Тошкентнинг энг гўзал обидаларидан ҳисобланади. Мустақиллик йилларидаги Тошкент нафақат замонавий шаҳарсозлик ва архитектура намунаси, балки ўзининг бетакрор тарихий обидалари билан ҳам жаҳон оммасининг эътиборини жалб этмоқда.

Мустақиллик йилларида, юртбошимиз ташаббуси ва бевосита иштирокида тарихий ёдгорликлар ва меъморий обидалар қайта таъмирланибгина қолмасдан, ўзбек халқининг буюк аждодларига атаб қатор замонавий меъморий мажмуалар ҳам бунёд этилди. Самарқанд вилоятида Имом ал-Бухорий, Фарғона ва Қувада Аҳмад ал-Фарғоний, Самарқандда Имом ал-Мотурудий, Марғилонда Бурхониддин ал-Марғиноний мақбара ва меъморий мажмуалар, Тошкентда “Мотамсаро она”, “Шаҳидлар хотираси”, “Езгулик ва мустақиллик” мажмуаларининг барпо этилиши, Ҳазрати имом (Хастимом) меъморий мажмуасида қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг

амалга оширилиши маданий меросимизни бойитди, шаҳарлар кўркига кўрк кўшди. Бу меъморий обидалар ечими, ғояси миллий анъаналар билан узвий боғланган бўлиб, ўзига хос бадиийлик тимсолидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Биздан келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолсин!” — деган даъватлари, аввало, биз меъморларга қарата айтилган, деб биламиз. Бу улкан вазифани рўёбга чиқариш биз қурувчи ва меъморламинг, ёш авлод — бўлажак мутахассисламинг муқаддас бурчидир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, «таъмирлаш» деганда, ёдгорликлами сақлаш билан боғлиқ жуда кенг жараён тушунилади. Худди шунингдек, «қайта қуриш» ибораси тарихий меъморий муҳитни қайта қуришни ифодалайди. Бу иборалар халқаро реставратсия ва реконструкция тушунчаларига мос тушади. Мазкур дарсликда асосан реставратсия масалалари кўтарилгани учун унинг номи “Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш” деб аталди. Меъморий ёдгорликлами, бинобарин, бино ва иншоотлами таъмирлаш Ўрта Осиёда жуда қадим замонлардан бошлаб қўлланилиб келинган. Чунончи, Қадимий Хоразмдаги Тупроқ қалъа (мил.ав. I — м. VI асрлар) шаҳарчаси аркининг қурилишида таъмир излари кўриниб туради. Самарқанднинг тарихий шаҳарчаси ҳисобланадиган Афросиёб қалъасидаги Жомеъ масжиди IX асрда қурилиб, XII асргача бир неча марта таъмирланган. Бухородаги Калон масжиди эса дастлаб IX асрда қурилиб, XII асрда таъмирланган ва XVI аср бошларида яна қайта қурилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Ўрта Осиёда VIII — IX асрлардан бошлаб ислом меъморчилиги юзага келади ва тараққий топди. Бошқача қилиб айтганда, XIX асрда яшаган меъмор учун IX — X асрлар тарихий обидаларини таъмирлаш ёт, бегона иш ҳисобланмасди. Шу масалани Европа мисолида кўрадиган бўлсак, у ерда IX — XIX асрлар оралиғида меъморчилик бадиий, яъни услуб жиҳатидан бир неча марта ўзгарди. Чунончи, готика, ренессанс, классицизм, модерн сингари бир-биридан кескин фарқ қиладиган услублар бир-бирининг ўрнига

келганлигини кўриш мумкин. Модерн услубида ишлайдиган уста ёки меъмор фақатгина шу усул қонуниятларини ўрганган бўлиб, готика ёки ренессанс усулида вужудга келгани обидани тиклаши учун махсус ўқиши, оғраниши лозим эди. Бошқа давр ва услуб меъморлари учун ҳам бу шарт Европа шароитида ўзгармай қолади. Бинобарин, XX асминг 20-йилларидан кейин Ўзбекистон меъморчилиги ҳам Европа меъморчилиги йўлидан борганлиги туфайли анъанавий хусусиятлардан бир оз узоқлашди. Натижада фақатгина замонавий меъморчилик қонуниятлари асосида таълим олган меъморга тарихий-меъморий обидаларни таъмирлаш учун махсус билим ва кўникма лозимлиги намоён бўлди. Бу ишга дастлаб 1920-йилларнинг охирида киришилганлиги маълум. Унинг жонқуярлари сифатида М.Саиджонов, Б.Засипкин, А.Жаҳонгиров, В.А.Шишкин, В.Л.Вяткин, М.Ф.Мауер ва бошқалар чиқишди. Тез орада А.Боқиев, Ш.Муродов, А.Болтаев, Қ.Жалилов, Ш.Гафуров сингари қатор халқ усталари етишиб чиқди. Самарқанд, Бухоро, Хива таъмирчилик мактаблари шаклланди.

Дастлаб, Самарқанддаги Шердор мадрасаси пештоқининг бош равоқи, Бухородаги Сомонийлар мақбараси, савдо тоқлари, мадрасалар таъмирланди. Ўша даврларда Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг қийшайган шимоли-шарқий минораси тўғриланди, Гўри Амир мақбараси таъмириланди. Кейинги йилларда эса катта ишлар амалга оширилди. Бироқ шўролар даврида маблағ етарли даражада ажратилмаганлиги ва бу ишга марказдан туриб раҳбарлик қилинганлиги таъмирчилик кўламининг етарли даражада кенгайишига имкон бермади. Бухоро ва Хива арклари, Самарқанддаги Бибихоним масжиди ва Ишратхона мақбаралари, Термиздаги Қирққиз қалъасининг вайрона ҳолатга келиб қолганлигини, Бухородаги Ширбудун ва Карманадаги Чармгар-чорбоғ саройларининг 1970-йилларда бузилиб, йўқ бўлиб кетганлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Истиқлолга эришилгандан кейинги йилларда таъмирчилик тамоман янги босқичга кўтарилди. Бугунги кунда эътибордан қолган бирорта

ёдгорлик йўқ деса бўлади. Самарқанддаги Тилла Кори мадрасасининг ғарбий деворининг қулаб боришининг тўхтатилиши, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хива, Тошкент, Қарши, Шаҳрисабз, Андижон ва бошқа шаҳарлардаги сўнгги йилларда амалга оширилган таъмирчилик, мустаҳкамлаш ва қайта қуриш ишлари Ўзбекистонда таъмирий илм катта қудратга эгалигини кўрсатади. Бинобарин, сўнгги йилларда олиб борилган амалий ишлар мазкур масалани етарли даражада кенг ёйиш учун барча меъморлар, шаҳарсозлар ва шу ишга дахлдор шахслар таъмирчилик илмидан хабардор бўлиши кераклигини англатади. Бу вазифани «Таъмир ва қайта қуриш» фани амалга оширади. Маълумки, меъморчилик санъат турларидан бири сифатида бадий ифодага эга. Тасвирий санъат, мусиқа, театр каби санъат турларидан фарқли ўлароқ меъморчилик кишилиқ ҳаётида унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Кишилиқ жамиятининг моддий ва маънавий тараққий этиб бориши сабабли меъморчилик ҳам унга мувофиқ равишда ривожланиб, ўзгариб боради. Ҳар бир давминг ўзига хос моддий ва маънавий эҳтиёж ҳамда имкониятлари, ўша даврга мос келадиган меъморчилигида акс этади. Бироқ, ўтмишда ислохот ёки бошқа сабаблар туфайли меъморчилик тараққиёти кескин ўзгаришлар (масалан, Марказий Осиёда ислом динининг ёйилиши, Октабр инқилоби) воситасида ҳам амалга ошиши мумкин. Бадий ижодиётда санъатнинг ҳар бир давр моддий ва маънавий эҳтиёжи ҳамда имкониятларини яққол ўзида акс эттириш хусусияти услуб (стил) деб аталади. Тарихий тараққиёт туфайли ўтмишда яратилган баъзи бадий воситалар янгиларига алмашилиб, натижада эскилари унутилади. Бироқ, кўпгина меъморслиилик ва шаҳарсозлик асарлари ўзининг тарихий, бадий ёки бошқа бир аҳамияти туфайли аجدодлардан авлодларга ўтиб келади. Муҳофаза қилинса-да, тарихий-табiiй жараён туфайли ёдгорликнинг жисмоний ҳолати ёмонлашиб боради. Шунда бундай меъморий яратмалами жисмоний ва бадий қиёфасини яхшилаш зарурати пайдо бўлади. Мана шу ишларни меъморий

таъмир ва қайта тиклаш фаолияти амалга оширади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, таъмирчилик Ер юзининг турли минтақаларида турлича шаклланиш ва ривожланиш йўллариغا эга. Чунинчи, Европада сўнгги мингйилликда турлича бадиий услуб алмашинганлиги туфайли меъморий ёдгорликларнинг хилма-хиллиги ҳам бир нечтадир. Юқорида келтирилганидек, Европада готика, ренессанс (уйғониш даври), классицизм, ампиризм, модернизм сингари бадиий услублар мавжуд бўлган. Бизда эса гарчи IX — XII аср меъморчилигидан Амир Темур ва темурийлар даври (XIV- XV а.а.) ёки хонликлар даври (XVI-XIX а.а.) меъморчиликлари ўзининг бадиий ифодаси билан ажралиб турсада, Европа меъморчилиги сингари кескин услубий ўзгаришга эга эмас. Демак, таъмирчилик ҳар бир давр ва минтақада юксак билимга асосланган индивидуал ёндашишни талаб қилар экан. Таъмирлаш ёки таъмирчилик сўзларининг маъини араб тилидан кириб келган «таъмир» - сўзи ташкил этиб, унинг луғавий маъноси «тиклаш»ни англатади. Агар «Жоме ат-таворих», «Зафарнома» (ҳам Али Яздий, ҳам Ҳофизи Танишининг асарларида), «Бобурнома» ва бошқа ўрта аср кўлёмаларида келтириладиган маълумотларга диққатни қаратсак, «таъмир» сўзи ҳам янги қуриш ишларини ҳамда қайта тиклаш ишларини олиб боришда баб-баравар ишлатилганлигини кўрамыз. Унга муқобил бўлган халқаро «реставрация» ибораси эса таъмир сўзидан биров фарқ қилиб, латинча «реставрация», яъни «қайта тиклаш» деган маънони англатади. Бироқ бугунги ўзбек тилимизда таъмир ибораси янги иморат қуришнимас, балки эскисини фақатгина янгилаш, қайта тиклаш, тузатиш маъноларини билдиради ва ўрта асрлардан фарқли ўлароқ янги иморат қуришни англатмайди. Шунинг учун ҳам, «таъмир» сўзи мазкур дарсликда фақатгина янгилаш маъносида ишлатилиши мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, «таъмин» тушунчасига мос тушадиган «реставрация» иборасининг «регенерация», «революция», «реконструкция» каби ифодалари ҳам борки, уларнинг қўлланилиши хусусида бошқа ўринларда алоҳида тўхтаб ўтилади. Меъморликка оид «ёдгорлик», «обиди», «осори атиқа»

(яъни — антиқа асарлар) иборалари луғавий маъноси жиҳатидан ўтмишда қурилган, бизгача етиб келган бино ёки иншоот маъносини беради. Ёдгорликларнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Уларда умуман архитектура асарларида бўладиган архитектуравий-бадий ва функционал сифатлар устига тарихий қиммат қўшилади. Обидаларнинг қимматини тўғри белгилаш, қўриладиган чора-тадбирларни аниқлаш ва амалга ошириш услубларини ёритиш меъморий таъмиршуносликнинг асосий мақсадидир. Ўрта Осиё – маданият ривож топган қадимий ўлкалардан бири ҳисобланади. Маданиятимизнинг пойдевори бўлган тарихий меросимизни фақат илмий жиҳатдан ўрганишгина эмас, балки ижтимоий – сиёсий жиҳатдан ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Жаҳон маданиятининг ривожига жами халқлар баҳоли қудрат ўз улушларини қўшганлар. Аммо бунда Шарқ мамлакатлари, жумладан, Марказий Осиё халқларнинг ҳиссаси алоҳида. Шарқ халқларининг тарихи ва маданияти, илк сиёсий, ҳуқуқий, диний, бадий, фалсафий ва ижтимоий қарашлари ва тасаввурлари ва ҳақидаги, уларнинг мазмун ва моҳияти ҳақидаги қимматли материал ва маълумотлар антик замон муаллифларининг асарларида, археологик манбаларда, халқ оғзаки ижодиётида кенг қўламда акс этган. Буюк Рус ёзувчиси А.М.Горький асарларидан бирида «Ўтмишни билмай туриб, ҳозирги замоннинг чинакам маъносини ва келажак даврнинг мақсадларини тушуниш мумкин эмас», деб ёзган эди. Ҳақиқатдан ҳам, тарих тажрибасини ўрганиш давримизнинг мураккаб ижтимоий ҳодисаларни чуқур тушунишга, қанчадан – қанча қон тўкиб, не – не инсонлардан айрилиб эришган озодлигимиз ва равақимизни қадрлашга имкон беради. Ҳар бир халқ ўзининг ўтмишини билишга интилади, зўр тарихий саналар билан бениҳоя ғурурланади. Қадимги давр, хусусан, қулдорлик тузуми давридан буён Қадимги Шарқ, хусусан, Ўрта Осиё ҳудудида рўй бериб келган хилма – хил ижтимоий ва маданий ҳодисалар, бир вақтлар Европа ва Осиё қитъаларини ларзага келтирган баъзи тарихий

воқеа – ходисалар, ўтмишдаги жамиятни зўр силжишларга ундаган қудратли синфий зиддиятлар, ўлкамиздаги ўзига хос ноёб кўп моддий ва маънавий ёдгорликларнинг вужудга келиши башарият маданиятининг энг кўхна марказларидан ҳисобланган кўплаб меъморий обидалар билан узвий боғлиқдир. Шубҳасизки, Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий тузуми ибтидоий жамоа тузумига қараганда анча тараққий қилган тузум бўлган. «Ўрта Осиё халқлари ўзларининг бир неча йиллик тарихи давомида ўзига хос маданият, цивилизация ва фалсафа яратдилар. Шарқ жаҳон маданияти ва цивилизациянинг бешигидир, жаҳон тарихи шу ердан бошланади. Ўрта Ер денгизи атрофлари инсониятнинг илк ватани бўлган. Қадимги шарқликлар қуёш, сув ва тупроқда ҳаётнинг ибтидосини кўрганлар, уларга астойдил сиғинганлар. Шарқда вужудга келган барча диний системалар (ҳиндуизм, буддизм, конфуцизм, зардуштийлик, ислом) инсон билан табиат ўртасидаги муносибликни таъминлашга, жамият ва табиатнинг уйғунлашувига алоҳида эътибор берганлар. Шарқда илмий билимларнинг тараққий этишига у ёки бу диний таълимотларининг хайрихоҳлик билдирмаганлиги заминида ҳам, эҳтимол, инсон билан табиат ўртасидаги гармонияни сақлаш зарурияти ётгандир». Ўрта Осиё халқлари ҳаётининг умумий тасвирини беришга дастлаб қадимги юнон тарихчилари ҳаракат қилганлар. Эраמידан аввалги V асрда яшаб ижод этган «тарих отаси» Геродот ўзининг катта тарихий асарида биринчи марта Шарқ халқлари тарихининг очеркни ёзган. Унда Ўрта Осиё халқлари тарихи ҳақида ҳам кўпгина маълумотлари содда лекин аниқлик билан бериб ўтилган. Ярим аср ичида мисли кўрилмаган ижтимоий – иқтисодий ва маданий ютуқларга эришган халқимизнинг бой тарихини ўрганиш кишининг билим доирасини кенгайтирибгина қолмай, унга руҳий жиҳатдан ғурур бағишлайди. Инсоният тарихи – табиати ва ҳаёт ҳақидаги оддий тасаввурларидан, чекланган эҳтиёжларидан мураккаб маънавий фаолият даражасигача ўсиш жараёнини ўз ичига олади. Инсоний

цивилизациянинг бошланишида маънавийят бир пайтнинг ўзида инсоннинг коришма тафаккури ҳосиласи ҳамда сабаби тарзида кўзга ташланади.

Президентимиз ўзбек халқининг бетакрор тарихи ва маданий – маънавий меросининг нақадар чуқур илдизга эга эканлигини «Туркистон» газетасининг муҳбири саволларига берган жавобда тарихимизни қуйидагича талқин этиб ўтади: «Биз жаҳон майдонига куникеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўҳна Хоразм заминида «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади». Мустақилликка эришгач маданий ёдгорликлар ҳамда меъморий обидаларга, уларни қайта тиклашга давлат даражасида эътибор қаратилди. Қадим ўтмишимиздан садо бериб турувчи ва бугунги кунда харобага айланган барча меъморий обидалар қайта жонланмоқда. Меъморий обидалар ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлиш мақсадида қанчадан – қанча илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди, шу жумладан турли хилдаги илмий нашрлар чоп этилди. Афсуски, уларнинг деярли барчаси рус ёзувида ёзилган бўлиб, уларни ўзбек тилига таржима қилиш борасида бир мунча орқада қолиш юзага келаётганини кўриб-билиб турибмиз. Ваҳоланки, ўзбек тилидаги маълумотларни тушуниш, бирон бир мавзу асосида мулоҳаза қилиш ўқувчи учун анчагина осон кечади, илмий нашрни мутолаа қилаётган ўқувчига ундаги маълумотлар тезроқ етиб боради.

Мавзунинг долзарблиги. Танланган мавзу, яъни Термизшоҳлар саройининг ганч ўймакорлиги безакларини таъмирлашга қаратилган бўлиб, шу вақтгача бунга санъатшунослар, тадқиқотчилар, таъмиршунос-олимлар, рассомлар томонидан алоҳида тўхталиб ўтилмаган. Бу ҳолат бевосита мазкур Битирув малакавий ишини долзарблигини белгилаб беради.

Мавзунинг мақсади. Тезмизшоҳлар саройи деворларидаги ганч ўймакорлик безаклари неча асрлик тарихимизнинг ёрқин намунаси сифатида қад кўтариб турибди. Бироқ уларни барчаси бизнинг кунимизда таъмирлаш жараёнларига

мухтож. Мақсадимиз ана шу безакларни таъмирлаш ва келажак авлодга шу ҳолда етказишдир.

Мавзунинг даврий чегараси. Битирув малакавий иши сифатида олинган Термизшоҳлар саройи XI-XII асрларга оид, унда олиб борилган тадқиқот ва қазишма ишлари эса XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб амалга оширилган. Биз ҳам ўз тадқиқотимизда айнан шу асрларга мурожаат қиламиз.

Битирув малакавий ишининг таркиби. мазкур битирув малакавий иши Кириш, Учта боб, Хулоса, Изоҳли луғат, Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва Иловалардан иборатдир.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ГАНЧ ЎЙМАКОРЛИК САНЪАТИ.

I.1. Ганч ва унинг хусусиятлари.

Ҳар қандай бинони безашда аввал унинг тузилишига мос ганч ўймакорлиги турини танлаш, қўллаш ўз-ўзидан муҳим аҳамиятга эга. Кичик хонага майда текис ўймакор ва унга мос бўлган пардоз тури, катта меҳмонхоналарга (залларга) эса йирик ёйма ва ўзига хос ганч ўймакорлиги қўлланилади. Ганч ўймакорлиги, йирик ёйма, чуқур ёйма, ясси ёйма, қирма, замини кўзгули ёйма, замини рангли ёйма, чизма пардоз, панжарасимон ёйма, занжира, ҳажмли ёйма турларидан иборат. Бундан ташқари, ганч ўймакорлиги турлари заминли ва заминсиз ўймаларга бўлинади.

Заминли ёйма йирик ёйма биноларнинг фасадлари (ташқи томони)ни ва катта меҳмонхоналарни безатишда қўлланилади. Ўйма рельефининг чуқурлиги 2—3 см бўлади. Ўйма замини бутун юзанинг 15—30% ни эгаллайди. Ўйма ганч қора фонда оппоқ, фақат сояси қоп-қора яхлит бўлиб кўринади.

Йирик ўйма намуналари қадимдан ишланган бўлиб, Термиз (IX—X аср), Самарканд (X аср) ва бошқа шаҳарлардаги ўйма ганч намуналари далил бўла олади. Ҳозир эса биноларнинг катта хоналари ва баъзи бирларининг ташқи томони – фасади ганч ўймакорлиги билан безатилади. Ганчкорликда ҳажмли — барельефли, ҳайкалсимон, муқарнаслар, кубба, қош ва бошқалар ишлатилади. Булар ҳажмли ўймалар дейилади. Уларни ўйиб ишланади.

Энг кўп қўлланиладиган ўйма ясси ўймадир. У интерьерда кўп қўлланилади. Албатта катта бўлмаган хоналарда. Ўйманинг чуқурлиги 1—1,5 см бўлиб, унга ҳар хил пардоз турлари берилади. Ўйма нақшнинг замини умумий юзанинг 30-60%ни эгаллайди. Унга жойига мослаб пах пардоз, чока пардоз, лўла ёки табақа пардоз берилади.

Қирма пардоз X асрлардан бошлаб ишлатилган. У Бухоро ва Самарканд шаҳарларида XVI асрда жуда кенг қўлланилган. Уни, айниқса Бухоро усталари яхши билганлар. Қирма биноларнинг интерьер ва экстерьериди ҳам кенг қўлланилган.

Қирма — ўйилган жойларни рангли ганч қоришмаси билан тўлдиришдир. Қирма икки турга бўлинади, биринчиси текис юзали қирма, иккинчиси рельефли қирма. Текис юзали қирма — худди деворга график усулида бажарилган нақшга ўхшаб кўринади. Бу қирмада замин маълум чуқурликда чака қилиб чиқилиб, гуллар оралиғи қайтадан ранг аралашмали ганч билан тўлдирилади. Унинг юзасини шутургардан (туя бўйин) ва андавада қириб текислаб чиқилади. Бунда рангли текис юзали гуллар ҳосил бўлади, буни текис юзали қирма дейилади. Рельефли қирмада эса юқоридан текис юзали қирмани давом эттириб, гул ва новдаларга ўйиб, чока пардоз берилади. Қирмани ҳам ўзига хос хислатлари бўлиб, у кўп рангни хоҳламайди.

Ўйма заминини кўзгу ташкил этган ганч ўймакорлигининг ойнавандлик турини XIX асрда Бухоролик Уста Ширин Муродов яратган. У биринчи бўлиб Бухоро хони Аҳадхоннинг «Ситораи Моҳи-Хоса ёзги саройидаги «Оқ уй»

(Хонаи сафед)ни безашда (1913—1914 йилларда) қўллаган. У ердаги замини бўлган кўзгу ўйма ганч ажойиб нафис кўринишга эга.

Ўймакорликнинг бу тури ўймакорликнинг бошқа турларидан оз меҳнат қилиб юқори самарадорликка эришиш билан ажралиб туради.

Ганч ўймакорлигида ўймани янада бадий ва кўркем бўлиши учун ўйма замини рангли бўлади.

Ўйма заминига ранг беришнинг икки йўли бор:

— Ганч сувоқ устидан 2 мм дан 5 мм гача қалинликда рангли ганч билан тезда сувалади. Кейин устидан гул ўйилади (оқ ганч чиққунича). Сўнгра уни шундоқ қолдирилади ёки пардоз турлари берилади. Рангли ганч тайёрлашда курук бўёқлар (пигментлар) дан фойдаланилади.

— Рельеф ўйилгандан сўнг елим бўёқ ёки мой бўёқ билан замини мўйқаламда бўяб чикилади.

Ўймани рангли бўёқларда бўяш, айниқса XIX асрда жуда кенг тарқалган.

Чизма пардоз ганч ўймакорлигининг турларидан бири, ганч юзасига туширилган нақш нусхасининг устидан тирнаб чизиб чиқишдир.

Чизма пардоз, айниқса ёруғ хоналарда қулланилади. У кўпинча, ҳошия ишлашда кўп фойдаланилиб тирналган жойининг чуқурлиги 2—мм атрофида бўлади.

Панжарасимон ўйма бинолардаги токча ва туйнукларни пардозлашда ва қандиллар тайёрлашда қўлланилади. Бу ўйма ўйманинг бошқа турларидан фарқ қилиб ўйилаётган ганч тахтанинг иккинчи томонидан тешиб ўйиб ўзига хос пардоз тури берилади. Панжарасимон ўйма қадимдан қўлланиб келинаётган бўлиб, Варахша (VIII аср) биноларида, Шоҳи Зинда мажмуасида (XIX аср), Мир Араб, Абдуллоҳон (XVI аср) мадрасаларида унинг ажойиб намуналарини кўриш мумкин. Панжарасимон ўйма орнаментининг тузилиши ўсимликсимон, геометрик ва нишон тарзида бўлади. Ҳозир замонавий бинолар, Муқимий

номли театр, халқ амалий санъати музейи, метро станциялари ва бошқа жойларда панжарасимон ганч ўймакорлигини кўриш мумкин.

Ганч ўймакорлигида асосий нақш билан ҳошия нақшни боғлаб турадиган нақш бу, занжирadır. Занжира намоён, токча, эшик, дераза, тахмонларни, изора (панел) ва бошқа жойларининг четига ишлатилади. У ҳошия вазифасини ўтайди. Занжиранинг эни 2—8 см бўлади. Унинг нақши геометрик ва ўсимликсимон бўлиб, геометрик занжира кўпроқ қўлланилади. Занжира содда бўлишига қарамай, шаклларни ўйганда соя, ёруғ ва ярим соя ҳолида кишини ўзига жалб этади.

Занжиранинг ғиштин занжира, аразлаган занжира, чашми булбул, қўш занжира ва бошқа турлари бор. Чуқур ўйма биноларнинг ташқи томонини, катта хоналарини безашда қўлланилади. Ўймасининг чуқурлиги 2—3 см бўлади. Ўйилганда заминга қараб 45° — 60° қияликда ўйилади. Уларни чуқур ёки унча чуқур олмаслик ўйманинг ҳажмига боғлиқ. Бундай чуқур ўймаларга бўёқ бериш талаб этилмайди. Баъзи вақтларда умумий қолипга битта ранг берилиши мумкин. Чуқурлик қанча паст бўлса, нақш шунча контраст кўринади. Агар ёруғлик ўйилаётган юзага тик тушса унда нақш ярим сояли майинрок кўринади. Чуқур ўйма «ёруғ-соя ўйини»га бой ва яхши кўринишга эга бўлади. Занжирадан каттароқ 12—20 см бўлган ислими ёки рута (ҳошия) нақш деб аталади. Булардан ташқари токча, тахмон, дераза ва бошқаларнинг четига рахлар қилинган. Рута занжиралар кўпинча қуйма асосида ишланган. Токча ёки тахмонларнинг шарафа оралиғида жой қолдирилган, буни «китоба» деб аталган. Изора билан токча орасида қолдирилган жой «лали» деб юритилган. Токчалар ички қисмининг тепасига ярим шарсимон қилиб шарафа ишланган ёки токча қисмининг тепасига ярим шарсимон қилиб шарафа ишланган ёки токча бир неча кичкина бўлакчаларга бўлиниб, унинг четлари ўйма ганч билан безатилган, буни усталар «токчабанди» деб атаганлар. Бу «токчабандига» чойнак, пиёла, лаган ва бошқа ҳар хил идишлар қўйиб ясатилган. Усталар токчаларни ҳар хил

йўллар билан безаганлар. Лали дейилган жойга ўсимликсимон ёки геометрик нақшлар чизилган. Китобага арабча ёзувлар ёзиб, чизиб ёки ўйиб безатилган. Намоёнларга эса кўпинча гул тувакли гулдаста нақшлар тасвири туширилган. Буни усталар дарахти мунаббат деб юритганлар. Ганч ўймакор усталар масжидларни, сарой ва турар жой биноларини безашда хонанинг ҳажмига, ёруғлигига қўйиладиган талабни, намгарчилик ва бошқаларни ҳисобга олганлар.

1.2. Ганч ўймакорлигида нақш элементларини чизиш.

Ганч ўймакорлигида нақш чизиш муҳим аҳамиятга эга. Нақшлар қайси бино ёки буюмни безамасин, ўзига хос услуб ва технология талаб қилади. Албатта нақшлардаги мазмун ва маънони ўқий олиш учун кишида бадиий маълумот, ўзига хос бир санъат бўлиши керак. Нақш арабча тасвир, гул деган маънони билдириб, элементлари маълум тартибда такрорланадиган ўсимликсимон, геометрик шакллар, ҳайвон, қуш ва бошқаларнинг схематик тасвиридан ташкил топган безак. Ҳар қандай материалга нақш ишлаш мумкин. Чунончи, тошга, ганчга, мисга, ёғочга ўйиш ёки қоғоз, мато, ёғочга, ганчга чизиб, бўяб ишлаш ва ҳоказо. Албатта буларни ишлашдан олдин нақш чизиш геометриясини билиш зарур.

Ганч ўймакорлигида ишлатиладиган нақшлар мазмунига кўра — ўсимликсимон, геометрик, гулли гириҳ, рамзий ва бошқа турларга бўлинади.

Ўсимликсимон нақш табиатдаги барг, банд, дарахт, бута, рунча ва бошқа нарсаларни наққош томонидан стиллаштириб олинган шаклини маълум қонуниятлар асосида такрорланишидан ҳосил қилинган.

Геометрик нақш турларидан бири гириҳ бўлиб чигал, тугун деган маънони англатади. Хандасий нақш мураккаб нақш тури. У геометрик нақш

турларидан бири бўлиб, тўртбурчак, учбурчак, айлана ва ёйлар ҳамда кўпбурчаклардан ташкил топади. Тузилиши жиҳатидан тўғри чизик, эгри чизик ва аралаш чизиклардан ташкил топган гириҳга бўлинади. Геометрик нақш узлуксиз раппортлардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир раппорт ўз тузилишига эга бўлади. Европада арабеска деб юритилади.

Гулли гириҳ, усимлик ва геометрик нақш элементларидан ташкил топган. Унинг элементиға юқорида санаб ўтилган геометрик ва ўсимликсимон нақшлар киради.

Рамзий нақшлар эса кабутар, ўроқ ва болға, шер, балиқ ва бошқаларни стиллаштириб тасвирланган нақш элементларидан ташкил топади. Усталар табиатдаги гул, барг новда, рунча, кабутар, товус ва бошқаларнинг тузилишини, ўсиш қонун-қоидалари, кўринишини синчиклаб ўрганиб, улардан турли нақш композициялар ишлаш учун ҳар хил элементларни стиллаштириб олганлар. Чунончи уста гулни стиллаштириб олишда унинг гўзаллигини қайси ҳолатдаги (устидан, ёнидан ёки тагидан) кўринишини тасвирлашни излаб топади.

Ҳар қандай киши ганч ўймакорлиги, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги ва бошқаларни ўрганиш учун нақш элементларини чиза олишни ўрганиши керак. Бу элементлар нақш ишлашнинг алифбоси ҳисобланади.

Барг — ўсимликсимон нақш элементи бўлиб, наққошлар томонидан табиатдаги усимлик бар- гини стиллаштириб олинган тасвири. Барг нақш композициясида тулдирувчи ва ҳ,усн берувчи элементдир. Улар тузилишиға кура оддий ва мураккаб турларға булинади. Оддий баргларға уч барг, бодом барги, тол барги ва бошқалар киради. Мураккаб баргларға эса кўп барг, шобарг, садбарг ва бошыалар киради. Баргларнинг қуйидаги турлари бор: чунончи, шобарг (шаҳ,она барг) энг катта барг, қуш барг, кўп барг, чор барг (тўртта барг), хурмо барги, тол барги, анор барги, қашқарча барг, мадохил барг, қўшбодом барг, қалампир барг, нок барги, самбит барг, бутоқ барг ва бошқа 50 дан ортиқ турлари бор.

Гунча—табиатдаги рунчаларни уста томонидан стиллаштириб олинган тасвиридир.

Гул — табиатдаги гулларни наққошлар томонидан стиллаштириб олинган тасвири. Гул нақш композицияда тўлдирувчи ва ҳусн берувчи элемент бўлиб ҳисобланади. Гулларнинг ҳар хил турлари бўлиб, улар ўзига хос номланади. Чунончи уч-беш япроқли ойгул, баргли ойгул, лола гул, пахта гул, нўхат гул, чинни гул, савсар гул, атиргул, гулафшон, гултожихуроз ва бошқалар. Гуллар тузилишига кўра оддий ва мураккабга бўлинади. Мураккаб гулларга листа гул; кўп баргли гул ва бошқалар, оддий гулларга эса ойгул, лола гул, пахта гул, нухат гул ва бошқалар киради. Гуллар ҳар хил тузилишга эга бўлганлиги учун уларни ўзига хос номлари бор.

Шукуфта — ўсимликсимон нақш элементи бўлиб новдалар бир-бирини боғлаш ва юзаларни тўлдириш учун хизмат қилади. Шукуфта тузилиши жиҳатидан турлича бўлади: бир ерда кичик содда бўлса, иккинчи ўринда анчагина такомиллашган, учинчи ўринда икки томондан келаётган шукуфта қўшилиб мадоҳил ёки шунга ўхшаш шаклини ҳосил қилади.

Боғлам ва сиртмоқлар — ўсимликсимон нақш элементлари бўлиб, банди румий бофтанинг оддий тури ҳисобланади. Икки танобни учинчи сиртмоқсимон эгиб ўзига борлашни сиртмоқ дейилади. Сиртмоқлар бир-бири билан чалкашиб ўтади, умумий кўриниши ҳудди саккиз рақамни эслатади.

Бофта — таноб айланиб уўтиб ҳосил қилган шакл. Ислимий нақш элементи. Бофталар тўғри, эгри ҳамда аралаш чизиқлардан ташкил топган бўлади.

Марғула — қўш чизиқли гажак, ўсимликсимон нақш элементи. У мисгарлик, наққошлик, ганчкорлик, зардўзлик ва бошқаларда ишлатилади, Агар бир новдани учиди икки марғула ҳосил бўлган бўлса, уни қўш марғула деб юритилади. Агар новда билан марғула тасвирланган бўлса марғулали новда деб юритилади. Нақш композициясида марғула тўлдирувчи элемент ҳисобланади.

Банд—(новда) ўсимлик банди. Ўсимликсимон нақш элементи бўлиб, у гулларнинг новдаси ҳисобланади. Банд табиатдаги дарахт ёки ўсимликларнинг новдасини стиллаштириб олинган тасвиридир. Ҳар бир нақш элементи сингари банднинг ҳам композицияда қўлланишининг ўзига хос қоидалари бор. Масалан, банднинг аниқ бир ўлчамда бўлиши, композицияда гулларга нисбатан сақланиши, у нақшда гуллар, барглар ва танобларнинг тагидан ўтиши ва ҳоказо. Турли наққошлар композицияда банддан ўзига хос методда фойдаланадилар, шунинг учун ҳам нақшлар бир-биридан фарқ қилади. Чунончи, Хоразм нақшида бандлар кам куртак ва барглар деярли бўлмайди. Новдаларнинг ўзи пружина сингари бир-бирига тўкилиб кетади. Бундан ташқари новда шохлаш пайтида Бухоро, Тошкент ва Самарқанд нусхаларидан кўпинча шукуфт билан шохлари бир-бирига мустаҳкамлашса, хоразмликларда шукуфт ажратилмай ўрнига новдача қўшилиб кетади. Биз юқорида айтиб ўтилган нақш элементларининг номини пухта билиб олишимиз керак. Чунки кейинчалик нақш тузишда ва унга ном қўйишда муҳим роль ўйнайди.

Таноб ва новдалар. Таноб—арабча чилвир, аркон деган маънони беради. Мураккаб нақшлар композицияси асосини ташкил этувчи негизи ва нақшга шакл берувчи чизик таноб дейилади. Ўрта Осиё нақшларида бир хил йўғонликдаги чизик бўлиб, усталаримиз табиат манзарасида учрайдиган анҳорнинг шартли тасвири деб олганлар. Наққош нақш композициясини чизишдан олдин биринчи навбатда таноб тортиб, кейин новдаларни чизади, сунгра новдаларни йўналишига мослаб гуллар жойлаштириб чиқади.

Усталар нақш композиция чизишда танобни биринчи режага қўядилар. Таноб устидан ҳеч қачон, гул, новда ёки барг босиб ўтмайди. Бундан ташқари таноб таг рангларни бир-биридан ажратиб туради. Таноблар хилма-хил бўлиб, бир композицияда таноб бошланганича узлуксиз давом этади, баъзи нусхаларда таноб икки нуқтадан бошланиб бир-бирига қараб йўналиб, бир-бирига чирмашиб тугалланади, яна бошқа нусхаларда таноб бир нуқтадан бошланиб,

икки томонга йўналиб тақим четига бориб тугалланади. Таноб эгри, тўғри аралаш чизиқлардан ташкил топган бўлиши мумкин. Агар композицияда таноблар кесиб ўтувчи рангли нақшларда ишлатилса, унда албатта иккаласи икки хил рангга бўялади. Агар бир хил рангга бўялса, унда асосий шакл ўзини кўрсата олмайди. Таноблар бир-бирини кесиб ўтмай бир-бирига параллел бўлса, бундай нусхани «қўш танобли ислими» деб аталади. Агар тугалланган мустақил композиция бўлса, «қуш танобли намоён» деб аталади.

Композицияда таноб бирдан ортиқ ҳам бўлиши мумкин. Агар икки танобли композиция бўлса, бири *бош*, иккинчиси *ёрдамчи таноб* дейилади. Композицияда танобнинг устидан новда, гул, барг ва бошқаларнинг ўтиши мумкин эмас. Ҳар бир нақш маълум қонуниятлар асосида тузилади ва чизилади. Нақшларнинг ўзига хос номлари ва маъноси бўлади. Ҳар бир нақш ва унинг элементини азалдан ота-боболаримиз бирор нарса ва воқеъликнинг рамзи тариқасида тасвирлаб келганлар, масалан, зирк гулини осойишталик ва умр узоклик, жингалак нақшлар эса тўкин-сочинлик, бойлик, Анқо —(Қуш) кишига бахт келтирувчи ва ҳоказо. Ҳар қандай нақш оддий ёки мураккаб бўлишидан қатъи назар оддий элементларни маълум тартибда жойлаштириш, солиштириш ва бирлаштириш натижасида ҳосил бўлади. Масалан, I—«Гули бодом» нақшини олайлик. У бодомнинг маълум масофада ритмик такрорланишидан ҳосил бўлади. Яъни нақшнинг асосини бодом ташкил қилади. Шунинг учун усталар бу нақшни «Гули бодом» деб атайдилар.

I.3. Ганч ўймакорлиги турлари.

Ҳар қандай бинони безашда аввал унинг тузилишига мос ганч ўймакорлиги турини танлаш, қўллаш ўз-ўзидан муҳим аҳамиятга эга. Кичик хонага майда текис ўймакор ва унга мос бўлган пардоз тури, катта меҳмонхоналарга

(залларга) эса йирик ёйма ва ўзига хос ганч ўймакорлиги қўлланилади. Ганч ўймакорлиги, йирик ўйма, чуқур ўйма, ясси ўйма, қирма, замини кўзгули ўйма, замини рангли ўйма, чизма пардоз, панжарасимон ўйма, занжира, ҳажмли ўйма турларидан иборат. Бундан ташқари, ганч ўймакорлиги турлари заминли ва заминсиз ўймаларга бўлинади.

Заминли ўйма йирик ўйма биноларнинг фасадлари (ташқи томони)ни ва катта меҳмонхоналарни безатишда қўлланилади. Ўйма рельефининг чуқурлиги 2—3 см бўлади. Ўйма замини бутун юзанинг 15—30% ни эгаллайди. Ўйма ганч қора фонда оппоқ, фақат сояси қоп-қора яхлит бўлиб кўринади.

Йирик ўйма намуналари қадимдан ишланган бўлиб, Термиз (IX—X аср), Самарканд (X) ва бошқа шаҳарлардаги ўйма ганч намуналари далил бўла олади. Ҳозир эса биноларнинг катта хоналари ва баъзи бирларининг ташқи томони — фасади ганч ўймакорлиги билан безатилади. Ганчкорликда ҳажмли — барельефли, ҳайкалсимон, муқарнаслар, кубба, қош ва бошқалар ишлатилади. Булар ҳажмли ўймалар дейилади. Уларни ўйиб ишланади.

Энг кўп қўлланиладиган ўйма ясси ўймадир. У интерьерда кўп қўлланилади. Албатта катта бўлмаган хоналарда. Ўйманинг чуқурлиги 1—1,5 см бўлиб, унга ҳар хил пардоз турлари берилади. Ўйма нақшнинг замини умумий юзанинг 30-60%ни эгаллайди. Унга жойига мослаб пах пардоз, чока пардоз, лўла ёки табақа пардоз берилади.

Қирма пардоз X асрлардан бошлаб ишлатилган. У Бухоро ва Самарканд шаҳарларида XVI асрда жуда кенг қўлланилган. Уни, айниқса Бухоро усталари яхши билганлар. Қирма биноларнинг интерьер ва экстерьериди ҳам кенг қўлланилган.

Қирма — ўйилган жойларни рангли ганч қоришмаси билан тўлдиришдир. Қирма икки турга бўлинади, биринчиси текис юзали қирма, иккинчиси рельефли қирма. Текис юзали қирма — худди деворга график усулида бажарилган нақшга ўхшаб кўринади. Бу қирмада замин маълум чуқурликда чака

килиб чиқилиб, гуллар оралиғи қайтадан ранг аралашмали ганч билан тўлдирилади. Унинг юзасини шутургардан (туя бўйин) ва андавада қириб текислаб чиқилади. Бунда рангли текис юзали гуллар ҳосил бўлади, буни текис юзали қирма дейилади. Рельефли қирмада эса юқоридан текис юзали қирмани давом эттириб, гул ва новдаларга ўйиб, чока пардоз берилади. Қирмани ҳам ўзига хос хислатлари бўлиб, у кўп рангли хоҳламайди. Ўйма заминини кўзгу ташкил этган ганч ўймакорлигининг ойнавандлик турини XIX асрда Бухоролик Уста Ширин Муродов яратган. У биринчи бўлиб Бухоро хони Аҳадхоннинг «Ситораи Моҳи-Хоса ёзғи саройидаги «Оқ уй» (Хонаи сафед)ни безашда (1913—1914 йилларда) қўллаган. У ердаги замини бўлган кўзгу ўйма ганч ажойиб нафис кўринишга эга. Ўймакорликнинг бу тури ўймакорликнинг бошқа турларидан оз меҳнат қилиб юқори самарадорликка эришиш билан ажралиб туради.

Чизма пардоз ганч ўймакорлигининг турларидан бири, ганч юзасига туширилган нақш нусхасининг устидан тирнаб чизиб чиқишдир. Чизма пардоз, айниқса ёруғ хоналарда қулланилади. У кўпинча, ҳошия ишлашда кўп фойдаланилиб тирналган жойининг чуқурлиги 2—мм атрофида бўлади.

Панжарасимон ўйма бинолардаги токча ва туйнукларни пардозлашда ва қандиллар тайёрлашда қўлланилади. Бу ўйма ўйманинг бошқа турларидан фарқ қилиб ўйилаётган ганч тахтанинг иккинчи томонидан тешиб ўйиб ўзига хос пардоз тури берилади. Панжарасимон ўйма қадимдан қўлланиб келинаётган бўлиб, Варахша (VIII аср) биноларида, Шоҳи Зинда мажмуасида (XIX аср), Мир Араб, Абдуллоҳон (XVI аср) мадрасаларида унинг ажойиб намуналарини кўриш мумкин. Панжарасимон ўйма орнаментининг тузилиши ўсимликсимон, геометрик ва нишон тарзида бўлади. Ҳозир замонавий бинолар, Муқимий номли театр, халқ амалий санъати музейи, метро станциялари ва бошқа жойларда панжарасимон ганч ўймакорлигини кўриш мумкин.

Ганч ўймакорлигида асосий нақш билан ҳошия нақшни боғлаб турадиган

нақш бу, занжирадир. Занжира намоён, токча, эшик, дераза, тахмонларни, изора (панел) ва бошқа жойларининг четига ишлатилади. У хошия вазифасини ўтайди. Занжиранинг эни 2—8 см бўлади. Унинг нақши геометрик ва ўсимликсимон бўлиб, геометрик занжира кўпроқ қўлланилади. Занжира содда бўлишига қарамай, шаклларни ўйганда соя, ёруғ ва ярим соя ҳолида кишини ўзига жалб этади. Занжиранинг ғиштин занжира, аразлаган занжира, чашми булбул, қўш занжира ва бошқа турлари бор.

Чуқур ўйма биноларнинг ташқи томонини, катта хоналарини безашда қўлланилади. Ўймасининг чуқурлиги 2—3 см бўлади. Ўйилганда заминга қараб 45° — 60° қияликда ўйилади. Уларни чуқур ёки унча чуқур олмаслик ўйманинг ҳажмига боғлиқ. Бундай чуқур ўймаларга бўёқ бериш талаб этилмайди. Баъзи вақтларда умумий қолипга битта ранг берилиши мумкин. Чуқурлик қанча паст бўлса, нақш шунча контраст кўринади. Агар ёруғлик ўйилаётган юзага тик тушса унда нақш ярим сояли майинрок кўринади. Чуқур ўйма «ёруғ-соя ўйини»га бой ва яхши кўринишга эга бўлади. Занжирадан каттароқ 12—20 см бўлган ислими ёки рута (хошия) нақш деб аталади. Булардан ташқари токча, тахмон, дераза ва бошқаларнинг четига рахлар қилинган. Рута занжиралар кўпинча қўйма асосида ишланган. Токча ёки тахмонларнинг шарафа оралиғида жой қолдирилган, буни «китоба» деб аталган. Изора билан токча орасида қолдирилган жой «лали» деб юритилган. Токчалар ички қисмининг тепасига ярим шарсимон қилиб шарафа ишланган ёки токча қисмининг тепасига ярим шарсимон қилиб шарафа ишланган ёки токча бир неча кичкина бўлакчаларга бўлиниб, унинг четлари ўйма ганч билан безатилган, буни усталар «токчабанди» деб атаганлар. Бу «токчабандига» чойнак, пиёла, лаган ва бошқа ҳар хил идишлар қўйиб ясатилган. Усталар токчаларни ҳар хил йўллар билан безаганлар. Лали дейилган жойга ўсимликсимон ёки геометрик нақшлар чизилган. Китобага арабча ёзувлар ёзиб, чизиб ёки ўйиб безатилган. Намоёнларга эса кўпинча гул тувакли гулдаста нақшлар тасвири туширилган.

Буни усталар дарахти мунаббат деб юритганлар. Ганч ўймакор усталар масжидларни, сарой ва турар жой биноларини безашда хонанинг ҳажмига, ёруғлигига қўйиладиган талабни, намгарчилик ва бошқаларни ҳисобга олганлар.

I.4. Пардоз ва унинг турлари.

Халқ амалий санъати турлари заргарлик, ганч ўймакорлиги, мисгарлик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги кабиларда буюмга охирги ишлов бериш, пардоз бериш, жиловлашдан иборат. Масалан, ганч ўймакорлигида умуман 6 та пардоз тури бор Улар қирма пардоз, чизма пардоз, пах (ёйма) пардоз, чока (ёрма) пардоз, лўла пардоз ва табақа пардозлардир. Шундан 4 хили (пах пардоз, чока пардоз, лўла пардоз ва табақа пардозлар) рельефга пардоз беришда ишлатилади. Улардан пах, чока ва лўла пардоз оддий пардозга, табақа пардоз эса мураккаб пардозга киради.

Табақа пардоз — табақа арабча қатлам, даража деган маънони англатади. XIX асрда Бухоро усталари томонидан яратилган бўлиб, уйилаётган барг, гул икки ёки уч қатлам қилиб ўйиладиган пардоз техникаси. Табақа пардоз европача пардозга ўхшаб кетади. Табақа пардоз пардоз турларининг ичида энг мураккаби бўлиб устадан юксак профессионал маҳорат талаб этади. Бу техникани яхши ўзлаштирган бухоролик усталар нақш ўймаларнинг унча чуқур бўлмаслигига қарамай, улардан орнаментнинг ҳажмини катталаштириб кўрсатувчи ажойиб жим-жимадорликни ҳосил қиладилар. Бухоролик Уста Ширин Муродов бу пардозни жуда кўп қўллаган.

Чока пардоз —(ёрма пардоз) нақш бандининг қиялигини ўртага олиб узунасига ўйилган пардоз тури. Фарғона водийсининг усталари кўп қўллайдилар. Баланд бўлмаган уйларда кўп қўлланилади, нур ва соя яхши

кўринади.

Пах пардоз — ганч ўймакорлигида ўйма нақш рельефини бир томонга қиялаб кесиладиган оддий пардоз тури. Бу пардозни ёйма *пардоз* деб ҳам юритилади. Усталар пах пардозни «занжирани» ўйиш натижасида юзага келган дейдилар. Лўла пардоз, чока пардоз, табақа пардозларга қараганда пах пардоз анча осон. Пах пардоз берилган ўймадаги нур ва соя юмшаб майин кўринишга эга бўлади.

Пардознинг бу тури кўпроқ шифти баланд меҳмонхоналарга ва уйларда қўлланилади. Хозирда турар жой ва жамоат биноларини ганч ўймакорлиги билан безашда пардоздан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Лўла пардоз — ўйма рельефни ярим юмалоқ ишлов берилган оддий пардоз тури. Лўла пардоз ганч, ёғоч, тош ва бошқа ўймакорликда қўлланилади, Бу пардоз лепка таъсирда XIX асрдан бошлаб қўлланилиб, чока (ёрма), пах (ёйма) ва табақа пардозлар ичида энг ёши ҳисобланади. Лўла пардозда берилган ўйманинг чуқурлиги камаяди ва нақш майин кўринишга эга бўлади. Лўла пардоз техникаси кундалдан ўзаро фарқ қилади. Лўла пардоз техникасида ўйма фонини чуқурлаштириш ва рельефни кесиб ташлаш билан нақш ҳосил қилинса, кундал эса фоннинг устига бўртма ҳосил қилинади.

Ганч ўймакорлигида лўла пардоз қуйма усулда нусхалар олишда кўп ишлатилади. Қадимдан ўймага лўла пардоз беришда морпеч қалам асбобдан фойдаланилган, ҳозирда эса скальпель (жаррохлик пичоги)дан фойдаланилади.

Эрпеч қалам бу ўйилган нақшларнинг четларига доиралар, бўртик ҳосил қилиш, ўровларни рельефга лўла пардоз беришда, нақшларнинг четларида занжира, ҳошия атрофларида турли кўринишдаги ўйинчоклар, доиралар, нуқталар чиқаришда ишлатилатиладиган ганч ўймакорлик асбоби.

Лўла пардоз техникасида бажарилган ганч ўймакорлигининг намуналарини Тошкентдаги Навоий номидаги опера ва балет катта театрида,

Муқимий номли театр биносида, Халқ амалий санъати музейида ва бошқа жойларда кўриш мукин.

I.5. Ганч ўймакорликда ишлатиладиган хом ашёлар.

Қадимий обидаларнинг ва ундаги безакларнинг умри боқийлиги шундаки, жуда қадимдан ота-боболаримиз юқори сифатли, ғоят чидамли ҳамда давр синовларидан ўтган қурилиш материалларидан кенг фойдаланиб келганлар. Шундай маҳаллий материаллардан ёғоч, ганч тупроқ ва бошқалардир. Бу материаллардан қаерда ва қандай қўлланиш сир-асрорларини жуда яхши билганлар. Шунинг учун ҳам асрлар оша ҳозиргача ота-боболаримизнинг қурган муҳташам бинолари, ўйма ганч, ёғоч нақшлари ҳозирги кунгача ўз жилвасини йўқотмай турибди. Шундай материаллардан бири ганчдир.

Ганч — маҳаллий қурилиш материали бўлиб, унинг ранги кўкиш, сарғиш ва оқ бўлади. Ганч турли шаҳарларда турлича номлар билан юритилади. Кавказда «гажа», форсча «гаж», тожикча «ганч», туркча «урунак» ўзбекча «ганч» деб юритилади. Ганч гипс билан тупроқнинг табиий аралашмаси бўлиб, ганчнинг таркибида 40%—70% гача гипс бўлади. Ганч икки хил: табиий ва сунъий бўлади. Табиий ганчлар катта ҳарсанг тош ҳолида бўлиб, ундан тўғридан-тўғри ўйиб, йўниб, тирнаб қурилишда устун, ҳайкал ва безак сифатида фойдаланилади. Сунъий ганчлар эса махсус печларда қиздирилиб кейин уни майдалаб тайёрланади. Қадимда махсус ганч тайёрлайдиган усталар бўлиб, уларни ганчкоплар деб юритганлар. Ганчкоплар олиб келинган табиий ганч тошларни юқори иссиқлик қуввати берадиган хумдонда 120—150 даража ҳароратда кундуз куни 7 соат қиздириб эрталабгача аста-секин совитиб қўйганлар. Эрта билан ганч тошларни махсус тўқмоқлар билан майдалашган, уларни ғалвир ва элакдан ўтказишган. Бу ганчлар сортларга ажратилган. Энг

майин, доначали ганчларни гулганч деб, яъни гул ўйиш учун ишлатиладиган ганч деб юритилган. Бу ганч қанчалик майин бўлса, ўйма шунчалик нафис, бадий чикқан. Майин ганчлар нафис ўймакорликда пардоз ишлатилади. Йирик ганчлар ҳар хил сувоқ, қора сувоқ ва ғишт теришларда ишлатилади. Юқори ҳароратда қиздириш натижасида ганч таркибидаги нам жуда камайиб унинг қуввати ошади. Ганч ўрнида алебастр ҳам ишлатилади, у сувоқ, ғишт теришда, айрим ҳолларда эса гулганч ўрнида ҳам ишлатилади. Ганч ўймакорлиги билан шуғулланган усталарни ганчкорлар деб аталади. Улар ганчнинг Қувватини аниқлаш учун унинг қанча ҳароратда қиздирилишини ва қанчалик тез ёки секин совишига қараб аниқлайдилар. Жуда катта тажрибали усталар ганчни кўлига олиб қисмлаганининг ўзидаёқ унинг эски ёки янгилигини, қувватини айтиб бера оладилар. Одатда, усталар ганчнинг сифатини аниқлашда озгина қориб, ўйиб кўрадилар. Агар қуввати жуда кучли бўлса, хаттоки сувда айлантиришни талаб қилиши ганчнинг жуда кўп сирли хусусиятларидан моҳирона, омилкорлик ва шошилмай фойдаланиш керак. Ганч қориш технологияси унча мураккаб бўлмасада ўзига хос нозик томонларини билиш лозим. Ганчни қадимги усталар сирли лаган идишларда қорганлар, ҳозир эса янги пластмасса идишлардан фойдаланилади. Ганч қоришнинг тез ганч, сохта ганч, дуроб, ховонда усуллари бўлиб, улар ўзига хос нозик ёки мураккаб бўлади. Қоришма тайёрлашда унинг ушбу нозик томонларини эътиборга олиш усталарнинг асосий вазифасидир.

Тезганч — тез қотувчи ганч қоришмаси бўлиб, ганчкорликда, равоқ боғлашда, сувоқ ва ҳар хил ишларда ишлатилади. Бу қоришмани тайёрлаш учун идишга сув солиб устидан ганч солинади ва тезкорлик билан қорилади, ганчни кўп айлантирилмайди ҳамда керакли жойга ишлатилади. Тезганч қоришмасини тезлик билан ишлатилмаса, у қотиб қолади ҳамда исрофга чиқади.

Сохта ганч — қорилгандан кейин 30 минут атрофида қотмасдан туради. Сохта ганч қоришмасини тайёрлаш учун идишга сув солиниб, устидан эланган ганч сув юзасига сепиб солинади, бу сув юзаси ганч билан беркитилгунга қадар

такрорланади. Бунда ганч сувга тўйиб боради. Уста идишда шу сохта ганч қоришмасини бир чеккадан солиб керакли жойга ишлатади.

Дугоб усули —бирор юза ёки нарсани тулди- риш ёки беркитиш учун ишлатиладиган суюқ қоришма. Идишга сув солиниб сув юзи беркитил- гунча ганч сепилади. Бу усул — сохта ганчга Караганда бироз суюкрок булади. Бу ганч қоришма нарсаларни беркитиш ёки тулдирйш учун ишлатилади.

Ховонда — гул ўйишга мўлжаллаб маълум қадар кучи камайтирилган ганч қорилади, уни тайёрлашнинг ўзига хос томонлари бор. Бунинг учун сирли ёки пластмасса тоғорага сув солинади. Унга эланган майда ганчни оҳиста, шошилмай солинади, Ганч сув юзига чиқиб кетмаслиги учун идиш ости кафти билан давра шакли аралаштирилади. Тайёрланган қоришма бироз қота бошлаганда уни ишлатиш мумкин. Ганч қанчалик кучли бўлса, шунча марта кўп қорилади. Шунинг учун қадимги усталар юқори қувватли ганчларни ишлатганлар. Улар ховондани моҳирлик билан тайёрлашгани учун ишлари бежирим, нафис ва гўзал чиққан. Усталар юқори қувватли ганчларни жуда кўп қорганлар, шунинг учун ҳам ганч қоришма шунча нафислашган, майинлашган. Секин ва юмшоқ ҳолатда қотган ховондага усталар ширач қўшадилар. Ширач унинг қувватини оширган.

Ганч ўрнига гипс ҳам ишлатилади.

Гипс — оқ, рангсиз шаффоф, қизил, қорамтир ёки қора рангдаги минерал. У жуда мўрт бўлиб сувда эрийди. 80—90° ҳароратда қиздирилганда таркибидаги сур буғланиб кетади. Агар 120—140° қиздирилса алебастрга айланади. У қурилиш материали, ундан қоғоз, цемент саноатида, медицинада ҳайкалтарошликда, ўймакорликда ва бўёқ ишлашда ҳам фойдаланилади. Гипс сувга чидамсиз, шунинг учун гипсни намдан асраш учун усти сув уўтмайдиган муҳофаза пасталар ёки бўёқлар билан бўялади. Гипслардан умуман куруқ сувоқ, девор тошлари, тўсиқ плита, қаватлараро ёпмалар, карнизлар, товуш ютувчи материал ва ёнриндан мух,офазаловчи буюмлар ясалади. Гипс *озир айникса,

ганч урнида ҳам ишлатилиб келинмоқда. Туркменистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Шимолий Кавказ ва бошқа ерларда гипс конлари бор.

Қадимда гипс тошлар 200—250° қиздирилса, ҳосил бўлган гипснинг қотиши секинлашиб, қуввати ошган. 400—750° ҳароратда қизирилганда эса у ёниб куйган, яъни яроқсиз гипс деб аталади. 200—250° дан кам қиздирилган ганчнинг қуввати паст ҳисобланган. Лекин қадимда мисрликлар машҳур пирамидаларни кўришда гидравлик гипсларни ишлатганлар. Бу гипсларни 800° да қиздириб аста-секин совитиш натижасида гидравлик гипсларни олганлар. Ҳозир бу технология унутилиб, бизгача етиб келмаган.

IX—X асрларда ҳам ғишт ўрнига пиширилган ғишт ишлаб чиқарилган. Ғишт теришда лой ўрнига ганч ишлатилган.

XIV—XV асрларга келиб ажойиб технологик хусусиятларга эга бўлгани учун ундан биноларнинг қобирғаларида, яъни ҳозирги бетонлар ўрнида ишлатилган. Ўрта Осиёда ганчкорликнинг гуллаб яшнаган даври XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошлари бўлди. Ганчкорлик ўз ҳусни жамолини дунё маъморчилигида, шу жумладан Ўрта Осиё, Эрон, Туркия, Арабистон ва бошқа Шарқ мамлакатлари меъморчилигини намоён этиб келмоқда. Айниқса Осиё халқларининг тажрибаси улар яратган асарлар ўзига хос композиция ва ишлаш услублари, технологияси билан бошқалардан фарқ қилади. Ганчни қадимдан ғишт теришда, сувоқ ишларида ҳамда нафис ўймакорликда кенг ишлатиб келинган. Ганчнинг қадимдан ишлатилиб келинишининг сабаби унинг бу хусусиятларини билиб давр синовларидан ўтказиб, кенг фойдаланиб келганлар.

Ганч ўзидан совуқни ва иссиқни жуда кам ўтказади. Бу хусусиятларни билган халқ меъмор усталари уйларнинг девор, шифт, ҳаттоки полини зах ўтмаслиги учун ганч билан суваганлар. Қадимда қурилган уй, масжид, мадрасаларни ичига кирсангиз печкасиз, ҳеч қандай электр иситгичсиз хона қишда иссиқ бўлади. Ёзда эса бу хоналар жуда салқин бўлган. Чунки биринчидан девор кўш синчли қилиниб орасида бўшлиқ қолдирилган,

иккинчидан деворлар қалин ганч сувоқ қилинганлигидир. Ганч бетонга караганда 38— 40% енгил бўлгани учун ҳар хил гумбаз ва махсус биноларни кўришда ишлатилади. Шунинг учун қадимий қурилган архитектура биноларининг гумбаз ва махсус жойларини ҳар хил қуйма безаклари фақат ганчдан қилинган. Ганчнинг яна ижобий хусусиятларидан бири унинг физик-механик хусусияти яхши бўлганлигидир. Масалан, ганч котгандан сўнг торайиш ўрнига кенгаяди, бу эса ёғоч конструкцияларни янада мустаҳкам боғлаб туради. Ганчнинг хусусиятларидан яна бири у юқори босимга чидамли эгилувчанлиги, (мўрт эмаслиги) яъни қаттиқ зарбада ҳам сезилар-сезилмас даражада ўз-ўзидан амортизация бериш қобилиятига эга. Ганч билан терилган ғишт девор ёки ганч сувоқ даҳшатли зилзилалар бўлганда ҳам зарар кўрмайди. Ганч пластик, тез ёпишиб қолиши, девор ва шифтни сидирға сувашда, шакллар тайёрлаш, ўйма нақш, тасвир ишлаш, устидан бўяб тасвир ва нақшишлашда қулайдир. Кўп рисоаларда, ганч сувга чидамсиз деб кўрсатилган, яъни ганч кўпинча бинонинг ичкарисиди ишлатилади дейилади. Лекин бу фикрга мен тўлиқ қўшила олмайман, чунки ота-боболаримиз қадимда жуда кучли ганчлар тайёрлай олиш сир-асрорларини билганлар, шунинг учун ҳам ҳаттоки бинонинг ёмғир, қор тушадиган том, гумбазларининг ғиштларини ганч билан терганлар. Улардан ҳеч қачон чакки ўтмаган. Бу ҳолатни ҳозирда сақланиб қолган минглаб архитектура ёдгорликларида кўриш мумкин. Ота-боболаримиз ганч тайёрлаш ва уни ишлатиш сир-асрорларини жуда яхши билганлар. Улар ҳаттоки ҳаммомларнинг ички қисмини ганч билан суваганлар. Ганч сувоқ парда кўчиб тушмаган. Усталаримиз кир қоришмаси деб аталадиган ганчни ҳаммомда ишлатганлар. Қоришмани тайёрлаш ва ундан фойдаланиш қуйидагича бўлган. Бир челақ оҳақ, бир челақ кум, майда кўмир кукуни ҳамда ҳар хил қамиш кулини қўшганлар. Бу қоришмани оловга қўйиб 10—12 соатлаб айлантириб пишитиб кейин сув турадиган ҳовузларни суваганлар. Унинг кичик ёриқларини йўқотиш учун сут билан қорилган ганч билан суваганлар. Бундай сувоқлар жуда

намгарчиликка узоқ чидаган. Биноларгаришт теришда ва сувоқ ишларида «ганчхок» ишлатилган. Бунда бир челақ алебастр ёки тезганч, бир челақ қум ва бир челақ соз тупрокни эламасдан обдон аралаштирилган. Холвайтар ҳолатида аралаштириб керакли юзага кафт билан чапиб суртилади. Бу сувашни ганчкор усталар «капганч» деб атайдилар. Ганч тупроққа ўхшаган қорамтир бўлади. Аввалги усталар ишдан чиққан ганчларни ташлаб юбормасдан қайта ишлар эдилар, яъни ганчни қозонга солиб қиздирганлар. Ганчни қайта ишлаш натижасида ганч олдинги қувватига келган. Қайта ишланган ганчларни сувоқ ва ғишт теришда ишлатганлар. Ганч акустиклик хусусиятига ҳам эга. Ганч билан сувалган хонада товуш жаранглаб чиқади. Чунки товушни ганчли девор яхши қайтаради. Шунинг учун ганч билан сувалган катта заллар ёруғ ва акустиклик хусусиятига эга. Шунинг учун илгарилари жуда катта залларда ҳеч қанақа микрофонсиз мажлислар олиб борганлар. Ганчга минерал бўёқлар қўшиб, рангли ганчлар ҳам тайёрланган. Ганч ҳймакорлигида қирма, яъни ўйилган ерларини рангли қоришма билан тўлдириладиган ганч ўймакорлик туридир. Русчада «ганчевая мозаика» деб юритилади. Нақш турининг энг кенжаси қирмадир. Қирма ганч ўймакорликнинг бир тури бўлиб, ўйиб олинган чуқурчаларига рангли қоришма киритилгандир. Қирманинг ҳам ўзига хос хусусиятлари бор. У кўп рангни хоҳламайди. Шу билан бирга унинг пардози ҳам одатдагидек эмас. Қирмага неча хил ранг ишлатилса, ушанча марта иш босқичи ортади. Бунга сабаб нусхада бир-бирига яқин қуйилиши керак бўлган бўёқларнинг ўринлари бир йўла ўйилган бўлса рангли қоришмани қуйганда бошқа ранг қириши зарур бўлмаган ўрнига ҳам тушиб кетади. Бунинг учун наққош олдин бир хил рангни ўйиб чиқиб бўлгач рангли қоришма қуяди ва нақш сатҳини текислаб қириб ташлайди. Шунда бўёқ қирган чегаралари аниқ ва чиройли бўлиб туради. Кейин яна қайта ахта ёрдамида иккинчи марта нусха тушириб бу сафар иккинчи бўёқнинг ўрнини ўяди, ранг тайёрлаб қуяди ва яна олдингиси сингари нақш сатҳи (юзи) очилгунча қирилади. Учинчи, тўртинчи

рангли қоришма киритилмокчи бўлса, худди шу иш боскичи яна такроран беради. Шунинг учун қирмада ранглар сони асосан 2—3 хилдан ортик бўлмайди. Қирма яхлитлиги ва ранг турининг камлиги билан рангли нақшлардан яққол ажралиб туради.

Рангли ганч тайёрлашда аввалги усталар кўмир кукунидан тегирмонда майдаланган қизғиш ёки жигарранг ғиштларнинг кукунидан фойдаланганлар. Ҳозир эса тайёр ҳар хил рангли пигментлардан фойдаланиляпти.

Рангли пигментни ганчга қанча кўп қўшилса ҳам ганч унинг кучини кесиб мўътадил ҳлға келтириб қўяди. Минерал бўёқ нисбати 1:10 дан ошмаслиги керак, аксинча тайёрланган рангли ганчнинг қуввати пасайиб кетади. Одатда қирмага қуруқ қоришма тайёрлашда усталар бирор идишни ўлчов қилиб, ганчга узлари хоҳлаганча зарур бўлган рангдан қўшиб қуруқлигида аралаштирадилар. Сўнгра бу аралашмадан ўрнига қараб оз-оздан қўшиб ишлатадилар. Олдиндан қуруқ аралашма тайёрпаб олинмаса, қоришманинг ранги ҳар гал тўқлашиб қолиши мумкин.

Қирма ранг жиҳатидан рангли нақшга, ишлаш техникаси ганч ўймакорлигига яқин. Унинг яна бир хислати шуки, қуёш нури тушса ҳам ялтирамай, бир хил майинликда кўринади. Вақт ўтиши билан нақш устини чанг босса уни қайтадан қириб янгидай қилиш мумкин. Қирма пардозни кўпинча Уста Ширин Муродов, Қули Жалилов ва бошқалар қўллаганлар.

Қадимдан ғишт терувчи ва ганч ўймакор усталар махсус тайёрланган ширачни ганчга қўшиб ишлатганлар.

Ширач — лотинча эремурс, русча, клей. Шисач ганч ўймакорлигида ва ғишт билан теришда қадимдан фойдаланиб келинган. Ширачни ганчга қўшишдан мақсад ганчни секин қотишини ва қотгандан сўнг тошга ўхшаш қаттиқ бўлиб қолишини таъминлашдир. Археолог олимлар 1933 йили Г.Засипкин ва В.П.Вяткинлар Ўзбекистондаги архитектура ёдгорликларидаги ғишт теришда ва ўйма ганч қолдиқларини текшириш натижасида усталар ганчга

махсус тайёрланган ширач қуйиб ишлатганликлари маълум бўлди. Ширач қуйиб ишланган ўйма ганчнинг қуввати 0,5—45% дан ошган. Ўзбекистондаги архитектура ёдгоргорликларининг ҳаммаси ширачли ҳамда қадимги зват ганчлардан ишланган. Шунинг учун бу архитектура ёдгорликлари бир бутун монолитга айланиб қолиб ҳар қандай зилзилага бардош бера олган. Қадимда ширач тайёрлайдиган махсус усталар бўлган. Масалан, Бухорода амир Олимхон ҳукмдорлиги даврида Ситораи Моҳи- Хоса бош қароргоҳининг оқ зали Уста Ширин бошчилигида безалган. 1912—1914 йилларда Ситораи Моҳи-Хосани безашда устани чақириб, ўша ерда ишлатилган. Бу ширачни тошойна заминли ўймага ишлатган. Ширач тайёрлайдиган махсус усталар қассоблардан буқача ёки қўйнинг пайи ва суягини сотиб олганлар, кейин ўт-ўсимлик ва махсус ўтларни қозонда аста-секин оловда қайнатганлар. Уни тўхтовсиз айлантириб суюқлик қайнаганда ҳосил бўлган кўпикларни тез-тез олиб турилган, чунки кўпик олиб турилмаса тайёрланаётган ширачнинг қувватига путур етказди. Жуда кўп бир текисда қайнатилган ва аста-секин совитилиб ҳосил бўлган ширач массани махсус идишларга солиб ганч ўймакор усталарга олиб борганлар. Ганч ўймакор усталар маълум миқдорда ганчга ширачни қўшиб ишлатганлар. Бино деталлари, устунлар, ҳайкалчалар, шарафа, муқарнас, ҳажмли орнамент ва бошқа нарсаларни қуйма усулида олишга сут, камеди, казеин ширачи ва бошқа нарсалар қўшганлар. Булар эса ганчнинг қувватини янада оширган, умрини узайтирган. Қадимги усталар ҳар қандай янги бинони камида икки йилдан ошиқроқ вақт ичида безаганлар. Чунки бино обдон қуриши ва ерга яхшилаб чўкиб ўрнашиши керак бўлган. Акс ҳолда бир неча йиллардан кейин ҳар қанча чиройли бақувват қилинган безаклар ёрилиб, кўчиб ёки тўкилиб кетган. Шунинг учун ҳам Тошкентда 1966 йили апрелда содир бўлган зилзила оқибатида жуда кўп янги бинолар бузилиб, ундаги безаклар ва сувоқлар тушиб кетган, ҳаттоки бинолар ағанаб тушди, лекин бир неча аср аввал қурилган архитектура ёдгорликлари ва ундаги безаклар умуман шикаст етмади.

I.6. Ганч ўймакорлигида ишлатиладиган асбоб-ускуналар.

Ҳар бир соҳа усталарининг ўзига хос асбоб-ускуналари мавжуд. Ганч ўймакорлигида нақш чизиш тўғри ва учбурчак чизғичлар, паргор (циркуль), юмшоқ ва қаттиқ оддий қора қаламлар, оқ ёки кўк ўчирғичлар зарур. Ганч қориш учун «пластмасса ёки сирли тоғора, ганчни элаш учун эгак, ганч юзасини ишқалаш учун майин латта, асбобларни чархлаш учун қайроқ, тош, ганч тахтач тайёрлаш учун 4 та рейкали рамка ва бошқалар ишлатилади. Ганч ўйиш учун аввалги усталар 17 тадан ортиқ асбоб ишлатганлар. Хозир эса бу асбоблар такомиллашиб, ихчамлашиб бормоқда. Хозирги усталаримиз асосан жарроҳлик пичоғи (скальпель), минкор ва шутургардан асбобларида ишлаб келяптилар.

Скальпель — пўлатдан ясалган ҳар хил ўлчамли жарроҳлик пичоқчаси. Ундан ҳозир ганч ўймакорлигида ҳам кенг фойдаланиляпти. Ўймани катта ёки кичиклигига қараб усталар ҳар хил уўлчамдагисини ишлатадилар. Аввалги усталар жарроҳлик пичоғидан ганчкорлик асбобларини темирчи усталарга буюртма бериб ишлатганлар. Усталар фойдаланишдан аввал уни чархлаб, дастасини қўлга ботмайдиган қилиш учун икки томонига юпка фанер қуйиб, изолента ўраб кейин ишлатадилар. Бу пичоқ ўйилаётган гулни чизиб чиқишда, кесишда, ўйишда ва пардоз беришда ишлатилади. Яъни бу асбоб ўймакорликдаги турли ишларни бажаришда қўл келади.

Искана — дурадгорликда ишлатиладиган оддий асбоб, унинг учи оғма ҳолатда кесик бўлиши ҳам мумкин. Исканалар ҳар хил катталиқда бўлади, кичиги майда ўймаларда, каттаси йирик ўймаларда ишлатилади. Искана темир стерженининг узунлиги 7 см дан 10 см гача бўлиши мумкин. Банди қўпол бўлмаслиги керак. Исканани мактаб устахонасида ҳам ясаб олиш мумкин.

Шутургардан — ганч ўймакорлигидаги асосий ўйма асбоб, стерженли бел қисми туя бўйнига ўхшаш 90° бурчак остида қайрилган бўлгани учун уни шутургардан, яъни туябўйин деб ҳам юритилади. Ясси пўлатдан ясалган кескич қисмининг тиғи учли бўлиб тенг ёнли учбурчакка ўхшайди. Шутургардан

орнаментларнинг контур чизикларини кесишда ва ўймали рельефга пардоз беришда ишлатилади. Ўймага қараб шутургарданнинг катта-кичиги танланади. Чунончи, катта шутургардан орнамент контурларини ўйишда ва чуқур заминли ўймаларда, ўртачаси ўймага пардоз беришда, кичик шутургардан эса майда ўйма ишларини бажаришда ишлатилади.

Пух қалам — ханжарга ўхшаш икки томонга қиялаб кетган ўткир учли (фақат учи ёй шаклидаги илмоққа ўхшаш қайрилган бўлади) асбоб. Кескич қисмининг узунлиги 10 см дан 18 см гача узунликда бўлиши мумкин. Пух қалам эгри сиртларни текислашда, сталактитлар билан ишлашда, пардозда нова очишда ишлатилади. Бу асбоб ҳам ҳар хил катталиқда бўлади.

Минқор — узун ўқли (стерженли) уч қисмига учбурчак куракчали кескич 90° бурчак остида урнатилган булиб, ўйма заминини тозалашда, текислашда ва чуқурлашда ишлатилади.

Каламток—тузилиши худди ханжар кўринишида бўлиб, кескич қисми икки томонга қиялаб ўткирланган. У тирнаб чизик чизишда, ўйишда ва ганчни тешишда ишлатилади.

Морпеч қалам — ўйилган нақшларнинг четларига ярим доиралар, бўртик ҳосил қилиш, ўровларни қирқиш ҳамда рельефга лўла пардоз беришда, ўйилган нақшларнинг четларида занжира, ҳошия атрофларида турли куринишдаги уйинчоклар ярим доиралар, нукталар чиқаришда ишлатиладиган ганч уймакорлик асбоби. Морпеч қалам тузилиши жиҳатидан юмалок булиб, сирт кесиш учун ишлатилади, у пулат андазали шаклдан, стержендан ва ёғоч банддан иборат.

Лух — ярим цилиндр сиртларни ҳосил қилишда ишлатиладиган ганч уймакорлик асбоби Тузилиши жиҳатидан кескич қисми япалоқ ясси шаклда бўлиб учи 90° бурчак остида букланган бўлади.

Калам ханжар — шаклидаги асбоб. Баъзиларининг учи қайрилган бўлади, ахта ёрдамида туширилган нақшларни учиб кетмаслиги учун тирнаб чизиб

чиқишда ишлатилади.

Пилта қалам — ганч ўймакорлик асбобининг бир тури, унинг учи қайрилган бўлади. У ярим айланадиган рельефлар ҳосил қилишда ишлатилади.

Патак бинни— шутургарданнинг бир тури, рахларни учли қилиб кесишда ва ўйишда ишлатилади.

Нова — искана кўринишида бўлиб, учи эгри сингари букланган, ўткир учли ганчкорлик асбобининг тури. Рельефларни юмалоқ қилиб кесишда ишлатилади.

Ралами шукуфта — айлантриб тешик очиш ва чизиқ чизишда ишлатилади.

Лўлакаш—умумий кўриниши ярим юмалоқ анган, учи ярим дойра шаклида, асосан пардозда ишлатилади. Бу асбоб ўйманинг ёки майдалигига қараб ҳар хил ўлчамда бўлади.

Шарафа қалам — учи қайрилган искана, майда муқарнасларни ўйишда ишлатиладиган ганчкорлик асбоби.

Ганч ўймакорлигида ишлатиладиган асбобларни ҳозир топиш қийин, чунки дўконларда бундай асбоблар сотилмайди. Аввалги ганч ўймакор усталаримиз махсус темирчи усталарга буюртма бериб ишлатиб олганлар. Баъзи бир усталаримиз зса ўзлари ясаб олганлар. Ҳозир бундай асбобларни ясаб берадиган усталарни топиш қийин. Шунинг учун дорихоналарда, поликлиникаларда, касалхоналарда асосий асбобимиз скальпелни топишингиз мумкин. Исканани магазиндан сотиб олишингиз мумкин. Ўймани яхши сифатли ва тез бажариш ишлатилаётган асбобларнинг ўткирлигига боғлиқ. Усталаримиз ҳақида бир халқ мақоли бор, устани ўзи уста эмас балки унинг ишлатаётган асбобидир дейдилар. Ҳақиқатдан ҳам агар асбоб ўтмас бўлса иш секин ва сифатсиз чиқади. Ганч ўймакорлик асбоблари сифатли пўлатдан тайёрланади. Асбоблар шундай ўткир бўлиши керакки, қалам очиш даражасига эга бўлиши керак. Улар ҳар хил йирик қайроқдан бошлаб энг майда қум қоғозда

чархланади. Биз чархлаш билан танишиб чиқишдан олдин унинг тузилишини кўриб чиқайлик. Асбоб икки қисм ушлагич ва кескичдан иборат. Асбобларни чархлаш эса уч босқичда бажарилади.

- Механик чархлаш, яъни қўлда ёки тошда чархлаш.
- Бурчак (фаска) ҳосил қилиш.
- Майда қумли тошда чархлаш.
- Қировини тушириш учун махсус тошда чархлаш.

Чархланаётган асбобни айланаётган тошга қаттиқ ботирмаслик лозим.

Асбобни 10—15° қияликда қаттиқ ботирмасдан чархлаш ва бир хилда ушлаш мақсадга мувофиқдир. Чархланаётган асбобни бир хилда айлантириб туриш 30 секунддан ошмаслиги лозим, чунки ўткир қирраси эгилиб кетади. Шундан сўнг майда тўртбурчакли тошда чархланади. Қайроқ тошни бироз хўллаб асбобни 10—15° қияликда ушлаб олдинга ва кетинга олиб келиб чархланади. Асбобни тошга бир неча бор олиб борилгандан сўнг иккинчи томонини ўчириб ўткир бўлгунча чархланади. Чархлашда қўл асбоб устида ўзгармаслиги, масалан, ҳаракат олдинга бўлганда қўл олдинга сурилиб кетмаслиги, орқага тортаётганда қўлни кўтармаслик лозим. Агар бироз қияликни ўзгартирсак юзаси бир хилда текис чиқмайди. Чархлаш энг майда қайроқ тошда чархлаш билан тугайди. Чархлаш 10—15 минутдан ошмаслиги лозим. Агар чархлаш чўзилиб кетса унда кескич ўтмас бўлиб қолиши мумкин. Асбобларни чархлангандан сўнг уни ўткир ёки ўтмаслигини текшириб ишни бошлаш мақсадга мувофиқдир.

1.7.Ганч ўймакорлигининг меъморчиликда қўлланилиши.

Нозик ва нафис ганч ўймакорлиги намуналари меъморчилик тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи бадиий воситалардан

биридир. Ганчдан ўйиб ишланган ўйма турлари кўп бўлиб, моҳир ўймакор усталар улардан фойдаланиб, мўъжизалар яратиб келганлар. Улар биноларнинг ташқи, айниқса ички қисмларини нафис ганч ўймакорлиги билан безаб, кишиларимизга эстетик завқ бахш этганлар. Булардан ташқари усталар маҳаллий шароитга мослаб, яъни хоналар қишда иссиқ, ёзда салқин, ёруғ, кенг, чиройли бўлишини назарда тутиб иш кўрганлар. Маълумки, бинодаги мемонхона ёзги хона ҳисобланиб, у салқин бўлиши учун асосан шимолга қаратиб қурилган. Деворлари икки қатор синчли қилиб, ичи гувала ёки ғишт билан тўлдирилган. Деворнинг узун қисми тоқ сонга бўлинган, масалан, учга, бешга ва еттига. Деворларда дераза, токча ва тахмонлар учун жойлар қолдирилган, Токча, тахмон, деразалар орасида жой қолдирилиб, улар ўйма намоён билан безатилган. Усталар бинонинг интерьерини безашда уни уч қисмга бўлишган. Деворнинг пастки қисмини изора (панел) билан безаганлар. Ўрта қисмига кўпинча токча, намоён ва даҳана ишланган, деворнинг энг тепа қисм и шарафа билан безатилган. Тахмон, токча, дераза четлари занжира деб аталадиган нақш билан ҳошияланган. Бу, занжирнинг эни кўпинча 4—5 см бўлади, чуқурлиги бир неча мм дан ошмайди. Занжирадан каттароқ 12—20 см бўлган ислими ёки рута (хошия) нақш деб аталади.

II БОБ. XI-XII АСРЛАРГА ОИД ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ ТЕРМИЗШОҲЛАР САРОЙИ.

II.1. Ўзбекистонда меъморий ёдгорликларни таъмирлаш тушунчаси

Тарихга назар соладиган бўлсак, ўрта аср қўлёзмаларида шаҳарсозлик тизимлари ва иморатсозлик ҳақида сўз кетганида таъмирлаш ибораси кўп ишлатилганлигини кўрамыз. Бинобарин, ўтмишда мазкур ибора қўлланилганида

мавжуд иморатлами янгилаш ва янги иморат бунёд этиш фаолияти бир-биридан кескин ажратилмаганлигини гувоҳи бўламиз. Бундай фарқлаш XIX аср охири XX аср бошларида юзага келганини кўрамиз. Бунинг икки сабаби бор. Биринчиси юқорида эслатиб ўтганимиздек, Марказий Осиёни Россия империяси забт этганидан кейин европача расм-русумларнинг кириб келиши билан бутунжаҳон таъмирлаш усуллари Ўрта Осиёга аста-секин кириб келиши бўлса, иккинчидан, Октабр тўнтаришидан кейин маҳаллий меъморчилик тамоман бошқача йўналишда ривожлана бошлади. Илгари (IX-XIX асрлар) бадиий ижодиёт малум бир узвийлик асосида ривожланиб келган бўлса, энди кескин фарқ юзага келди. Масалан, XX аср бошларида қурилган мадраса, масжид, минора, карвонсарой меъморлари Улуғбек солдирган мадрасалар (XV асрлар), IX-XIX асрларда бунёд этилган масжидлар, Минорайи Калон (1127-йил) ёки Работи Маликни (XII асрлар) таъмир этиши учун жуда ҳам кўп билимларни қайтадан ўрганиши талаб қилинмаган. Чунки IX-XIX асрлар иморатсозлигида бадиий узвийлик мавжуд бўлган. 1920-йиллардан бошлаб эса, меъморчилик бадиий ифодасида кескин фарқ юзага келди. Янги давр меъморлари анъанавий меъморчилик бадиий воситаларидан анча узоқлашиб қолган эдилар.

Ўзбекистон қурилиш ва меъморчилиги техник ва услубий жиҳатдан Европа меъморлиги ва қурилиш усул ва технологиясига аста-секин ўз ўрнини бўшатиб бера бошлади. Кенг ойнали деразалар, чердакли томлар, печка, янги қурилиш материаллари (металл, бетон ва б.) нинг кириб келиши меъморликда янги йўналишнинг юзага келишига сабаб бўлди. Маҳаллий анъаналар эскирган, Европага хос бўлганлари эса илғор деган нотўғри мафкура тарғиб қилинди. Бунинг натижасида ҳунармандлар, шу жумладан, халқ меъморлари ижодига талаб пасайди. Шахсий ишиаб чиқаришга қарши эълон қилинган кураш бу ишни янада чуқурлаштирди. Бунинг натижасида 1930-йиллардаги авлод ота-боболаримиз ҳунарларини унутишди. Энди ўтган аср обидасини тиклаш учун

ўша давр меъморлиги сир-асрорларини ўрганиш лозим бўлиб қолди. Бу эса меъморчиликда янги соҳа — таъмирчиликнинг юзага келишини тақозо этди.

Ўзбекистон қурилиш ва меъморчилиги техник ва услубий жиҳатдан Европа меъморлиги ва қурилиш усул ва технологиясига аста-секин ўз ўрнини бўшатиб бера бошлади. Кенг ойнали деразалар, чердакли томлар, печка, янги қурилиш материаллари (металл, бетон ва б.) нинг кириб келиши меъморчиликда янги йўналишнинг юзага келишига сабаб бўлди. Маҳаллий анъаналарга етарли эътибор берилмасдан ғарб меъморий санъатига тақлид бошланди. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва бу ерда яшаган халқлар ўрта асрларда Мовароуннаҳр, Туркистон ундан олдинроқ Турон, Трансоксиана деб аталган ўлканинг ҳам географик, ҳам сиёсий марказини ташкил этганлиги жиҳатидан бу ердаги меъморий ёдгорликлар, уларнинг бадиий жиҳатлари ҳамда таъмир услубияти замирида умумийлик мавжуд. Бинобарин, бу ҳудудда ўрта асргача иморатлар асосан пахса ва хом ғиштдан қурилган. Шу туфайли уларнинг айтарли барчаси бугунги кунда вайрона ҳолига келиб археолгик ёдгорликлар сифатидагина бизгача етиб келган. Милоддан аввалги иккинчи мингйиллик билан белгиланадиган Сополлитепа, Жарқўтон сингари кўрғонлар Сурхондарё вилоятида жойлашган бўлиб, Туркменистон ҳудудидаги Намозгоҳтепа ва Марвруд воҳаси ёдгорликлари билан умумий боғланишга эга. Милоддан аввалги I мингйилликнинг иккинчи ярми билан даврланадиган ёдгорликлар Қадимги Хоразм — бугунги Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида жойлашган. Булар Жонбоз қалъа, Тупроққалъа, Аёз қалъа ва бошқалардир. Анча бутун сақланган пахса ва хом ғиштдан тикланган энг қадимий меъморий обида сифатида Термиз шаҳридаги Қирққиз қалъа (IX — X асрлар) харобаларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ўрта Осиё меъморчилигида пишиқ ғишт гарчи жуда қадим замонлардан маълум бўлган бўлса-да, милодий IX асргача у кенг қўлланилмаган. Унинг асосий равнақи Бухородаги Сомонийлар мақбараси (IX

а.) дан кейин бошланди. Карманадаги Мир Саид Баҳром макбараси ва Деггарон масжиди, Нуробод туманидаги Араб Ота макбараси, Бухоро, Вобкент, Жарқўрғон миноралари, қатор макбаралар IX-XII асрларда пишиқ ғишдан Ўзбекистон меъморчилигида мўжизалар яратилганлигини кўрсатади. Айнан XI асрдан бошлаб иморатсозликда илгаридан маълум бўлган, бироқ нима сабабдандир шу пайтгача кенг қўлланилмаган синчли конструкциялар кенг қўлланила бошланди. Шу туфайли бизгача етиб келган Ўзбекистон меъморий обидаларининг бир қисми IX-XIII асрларда, асосий ва маҳобатли намуналари эса Амир Темур, Мирзо Улуғбек, сўнгги темурийлар ва ўзбек хонликлари даврида яратилди. Улар Афғонистон, эрон, Кавказ, Ҳиндистон меъморий тараққиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. XVI-XVIII асрлардаги сиёсий аҳвол Ўзбекистон меъморчилигида Бухоро, Хоразм, Қўқон меъморий мактабларининг шакилланишига олиб келди. Бу учала минтақа иморатсозлиги яхлит халқ моддий маданиятини ташкил этиши билан бирга, унда табиий иқлим ва анъаналарнинг ҳисобга олинишини ажойиб минтақавий бадиийлик намуналарини ҳам келтириб чиқарди. Таъмирчиликда буни ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Чунки бу меъморий мактаблар бинокорлик ва амалий санъатнинг ўзига хос бетакрор намуналарини юзага келтирди. Уни ҳисобга олмасдан таъмирлаш жараёнини йўлга қўйиб бўлмайди.

Меъморий ёдгорликларни таъмирлаш уни ўз ҳолида сақлаш ёки янгилаш сифатида тушунилади. Бу яна бир марта меъморий таъмир назарияси ва фанининг ҳали ҳам амалиётга кенг кириб бормаганлигини ва унинг натижаларидан унумли фойдаланилмаётганлигини кўрсатади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, бундай ҳолат кўпгина катта талафот қўйган иншоотлами таъмирлашда юзага келади. Ёдгорлик кўп шикастланмаган ҳолларда, одатда, унинг путур етган қисмини тилдаш муаммоси катта бўлмаганлиги туфайли тезда бартараф этилади. Бироқ шикастланиш даражаси катта бўлган обидалар олдида бу жумбоқ кескинлашади. Жумладан, археологик

ёдгорликлар қай ҳолатда янги замонга етиб келган бўлса, шу тарзда сақланади. Лекин баъзи ҳолларда уларни очик атмосферанинг емирувчи таъсиридан сақлаш учун ёки махсус консервацияловчи, ёки устки қисми ва атрофини муҳофаза қилувчи ёки ўша бузилишини секинлаштирувчи кичикроқ таъмир ишлари о^тказилади. Баъзида бу ишлар катта суръатни қамраб олади. Катта талафот кўрган меъморий ёдгорликлар олдида ҳам шунга ўхшаш жумбоқ пайдо бўлади. Ўйланмай-нетмай бундай ёдгорликлами тўла тиклашга интилиш археологик таъмирлаш деб тушунилади.

Бугунги кунга келиб жаҳон таъмирчилик илмида маълум умумий фикрлар шаклланди. Жумладан, таъмирлаш деганда бугун ёдгорликлар жисмоний ҳолатини янгилашга қаратилган кичик техник масалалардан бошлаб, юқори савиядаги муҳандислик тадбирлари, юксак меъморий билим натжжалари ва шаҳарсозликнинг комплекс жумбоқларини ҳал этиш муаммоси тушунилади. Шунинг учун меъморий ёдгорликлами таъмирлаш усулини танлаш комплекс тадқиқдан сўнг танланиши лозим. Бу жуда ҳам кенг кечадиган жараён бўлиб, бир киши ёки биргина омилга боғлиқ эмас. Чунончи, энг *биринчи шарт* ёдгорликнинг ушбу қисмини тиклаш заруриятини исботлаб беришдан иборат. Бунда олиб борилган лойиҳаолди тадқиқотлар натижасида ўша қисмлар тикланмаса, меъморий ёдгорликнинг бузилиб кетиш хавфи кескинлиги исботлаб берилиши керак. Демак, тикланадиган қисм ёдгорликни жисмоний ҳолатини яхшилаб, бадий ифодасини тўлдириши керак. *Иккинчи шарт* бу — тикланадиган қисмнинг ҳужжат, далил ва исботлар асосида ҳақиқийлиги ёки ҳақиқатга яқинлиги эътироф этилишидир. *Учинчи шарт* — моддий имкониятнинг мавжудлигини, яъни шунга яраша молиявий, имкониятлами излаб топиш. Ниҳоят, охирги шарт — тикланадиган иморат ёки унинг қисми тикланишининг ижтимоий заруриятини асослаб бериш. Шундагина таъмир усули танланади. Бугунги кунда жаҳон таъмирчилик илми ва амалиётида муҳандислик консерватсияси, анастилоз, аналитик таъмир, реконструкция,

кайта тиклаш, макет ва муляжлар яратиш каби таъмир турлари қўлланилмоқда.

Таъмирчиликда таъмир усулини танлаш бош мезон ҳисобланади. Шунинг учун таъмирчиликнинг бош масаласи, олдинги мавзуда баён этилгандек, «нимани ва қандай таъмирлаш керак», - деган саволдан иборат. Таъмирлашнинг танланган усули эса мана шу саволга жавоб бериши лозим. Танланган усул шу кун моддий ва маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, унга мос тушиши ва ҳар томонлама унинг бажарилиш зарурияти исботланган бўлиши лозим. Бироқ шуни унутмаслик керакки, кўпгина ҳолларда қабул қилинган қарор, бошқача қилиб айтганда, таъмир усули мутлақо эътирозсиз бўлмайди. Аммо у кўпчилик мутахассислар томонидан тан олинган бўлиши ҳамда меъморий ёдгорликнинг жисмоний ва бадий жиҳатларини баркамоллаштиришга хизмат қилиши даркор.

Меъморий таъмир турлари. Жаҳон меъморий таъмир амалиёти ва фани натижаларини таҳлил қилиш бутун дунёда бу соҳада ягона фикр мавжуд эмаслигини кўрсатади. Турли мамлакатларда турли даврларда бир хил зиён кўрган меъморий ёдгорликлами таъмирлаш масаласига турлича ёндашувлами кўрамиз. Бироқ юртимиз мутахассислари билан мулоқотлар шуни кўрсатадики, бизнинг амалиётимизда бу муҳим масалага етариича эътибор берилмайди. Шунинг учун ҳам, Бибихоним масжидининг таъмири уни бутунлай тиклаш лойиҳасининг бажарилиши билан белгиланган. Гўри Амир ансамблининг мадраса ва масжидга мансуб миноралари эса улардан айри ҳолда, мақбара буржлари сифатида тикланганлигини кўрамиз. Бу ерда таъмирчилар фақатгина ёдгорликнинг бадий ростланиши устида қайғуриб, унинг шу мажмуага функционал зарур ёки нозарурлиги устида бош қотиришмаган. Таъмир усулини танлашнинг биринчи шarti эътиборсиз қолиб кетган. Муҳандислик консервацияси деганда ёдгорликнинг статик мустаҳкамлигини оширишга қаратилган техник-муҳандисона тадбирларнинг қўлланилиши тушунилади. Бу усул, одатда, анча вайронагарчиликка учраган иморатларга нисбатан

қўлланилади. Баъзида бу усул биринчи даражали ёрдам сифатида қўлланилиб, сўнгра таъмининг бирон-бир бошқа усули такроран қўлланилиши мумкин. Муҳандисона консервация ёки соддароқ қилиб айтганда, консервация сўзининг маъноси ҳам мавжуд ҳолатда сақлаш, яъни эскича сақлаш, консерватсиялаш маъносини англатади. Бунда ёдгорликнинг замини, пойдевори, қурилмалари мустаҳкамланади. Турли тирговичлар, контрфорслар ишлатилиши мумкин. Ёғочдан қилинган қисмлари ёки қор-ёмғирда ювилиб кетиши мумкин бўлган пахса, хом ғишт, яхши муҳофазаланмаган пишиқ ғиштли ёки бошқа шу сингари қисмларига турли кимёвий моддалар воситасида ишлов берилиши мумкин.

Анастилоз — ёдгорликни ёки унинг бирон-бир қисмини (масалан, деворини, устунини, тошдан ишланган гумбазларини) бузилиб кетган, аммо маълум даражада сақланиб қолган ўз бўлакларидан тиклашни англатади. Бу усул қадимги Гретсия ва Рим давлатларининг мисолида яхши намоён бўлади. Масалан, Афина Акрополидаги Парфенон эҳромини олиб кўрайлик. Бу обида тош блоклардан бунёд этилган. У вайрона ҳолига келганида атрофда сочилиб ётган кўплаб блоклардан қайта тикланган. Бизнинг меъморчилигимизда тош ёки ёғочдан бунёд этилган иншоотлар ҳам шу усулда тикланиши мумкин.

Аналитик таъмир “исботланган” сўзига яқин маънони англатади. Бу усул асосий қисм ва кўринишлари сақланиб қолган, катта талафот кўрмаган иншоотларга нисбатан қолланилади.

Айтайлик, бирон пештоқнинг бир бурчаги ёки бир томонининг маълум қисми, минора, гумбаз кабиламинг бирор бўлаги ёки нақшининг маълум қисми бузилган бўлса, иморатнинг симметрик эканлигидан фойдаланиб, шикастланган бўлагини тиклаш мумкин. Шунинг учун ҳам, бу аналогиядан фойдаланилган. яъни аналитик усул дейилади.

Реконструкция сўзи қурилмаларини қайтадан тиклаш маъносини англатади. Бу усул шу сўз маъносига мос тушиб, баъзи ҳолларда сақланиш даражаси унча ёмон бўлмаган 1-2 пештоқ, тоқ, равоқ, гумбаз ёки мЎнораси,

баъзи ҳолларда бадий беағи бузилиб кетган иморатламинг мана шу қурилмаларини тиклаш ишига нисбатан қўлланилади. Мазкур усулнинг қўлланилиши иморатларнинг сақланиш ҳолати яхшилигини ва тикланадиган қисми эътирозсизлигини тақозо этади.

Қайта тиклаш усули ҳам меъморий амалиётда мавжуд бўлиб, таъмир усулининг энг қадимий йўналиши ҳисобланади. Чунончи, энг қадим замонлардан бошлаб Гретсия ва Римда вайрона ҳолига келган иморатлами қайта қуриш анъаналари мавжуд бўлган. Ҳаттоки, дастлаб ёғочдан қурилган баъзи иморатлами аста-секин тош қурилмаларга тўла-тўқис алмаштирилганлиги ҳам маълум. (Масалан, Грециядаги Гера ибодатхонаси ва Римдаги Пантеон).

Мазкур усул Марказий Осиёда ҳам мавжуд боиган деб тахмин этиш мумкин. Жумладан, Бухородаги Масжиди Калоннинг IX асрда бунёд этилиб, сўнгра сомонийлар даври (IX-X асрлар) да ва Қорахонийлар даври (XII аср) да қайта қурилганлиги ва ўша даврда ёғочдан қурилган бу иншоот мўғуллар томонидан ёқиб юборилгач, XVI асрда ғиштдан қайта бунёд этилганлиги бунга мисол бўлади.

Макет ва муляжлар яшаш таъмирчиликнинг ўзига хос йўналиши бўлиб, бошқа усуллардан кескин ажралиб туради. Унинг икки йўналиши мавжуд. Биринчиси, бузилиб кетган иншоот ёки унинг бир бўлагини тиклаш. Бу кўпинча бир жойда, шаҳар манзараси, ансамбл кўриниши, иншоотнинг бирор қисмини имитатсия тарзида, атайлаб сунъийлигини бўрттириб кўрсатишдан иборат. Кўпинча тикланаётган қисмининг сунъийлиги билиниб туриши учун бошқа материалдан фойдаланиш мумкин.

Иккинчи йўналиши вайрона иморатни асл ҳолида, асл кўринишида ва ўша функционал мақсадда тиклаш ҳаракатидан иборат. Бундай ҳаракат тарафдорлари, бутунлай йўқ бўлиб кетган иншоотни дастлабки ҳолатида қайта тиклашни таклиф этишади. Ваҳоланки, ҳар бир даврда ўзига хос техник имконият, эстетик дунёқараш, эҳтиёж ва имконият мавжуд бўлганлиги туфайли

ўша замоннинг ўз меъморий усули ҳам мавжуд бўлади. Қанчалик ҳаракат қилинмасин, тамоман йўқ бўлиб кетган иморатни қайта бунёд этиш унинг табиий ўлчамдаги макетини яшашга олиб келади. Демак, бу усулни тушунмоқ учун фақатгина пойдеворлари сақланиб қолган меъморий ёдгорликни тиклаш, унинг натурал ўлчамдаги макетини яратишга олиб келади, деб тушунилмоғи лозим.

II.2. Термизшоҳлар саройи меъморчилиги.

Эски Термиз харобалари Сурхондарёнинг ҳозирги Термиз шаҳридан шимоли – ғарбий тарафга, 12 м. масофада турли даврларга оид шаҳарчалардан иборат бўлган мажмуа ҳисобланади. Ушбу жой Амударёнинг ўнг қирғоғидаги тепаликда, эрамиздан аввалги I мингйиллик ўрталарида вужудга келган. Мажмуа 500 га. ер майдонига эга бўлиб, 4 қисмдан иборат тўғри тўртбурчак шаклда. Мажмуадаги қалъа қўрғони (цитадель) 2 та шахристондан ҳамда қалъа девори ташқаридаги работлардан ташкил топган. Кейинчалик шаҳарнинг Амударё бўйлаб жойлашган жанубий девори дарё сувининг тошиб кетиши натижасида ювилиб кетган. Кушон империяси даврида Эски Термиз харобалари Кушон империяси тузган давлатнинг йирик маъмурий – сиёсий маркази бўлиб қолган ва тарихий манбаларда қайд этилишича, I – III асрларда Тармита номи билан машҳур бўлган.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, «Тармита» сўзи қадимги «Авесто» сўзидан олинган бўлиб, у «дарёнинг нариги қирғоғидаги манзилгоҳ» деган маънони англатган. Тез орада бу жой Амударёни ўнг ва чап соҳилларини бирлаштириб турувчи кечувлардан бирига айланган. Тахмин қилинишича Александр Македонский томонидан асос солинган «Окс бўйидаги Александрия» шаҳри Тармита ўрнида барпо этилган. Кейинчалик кўчманчилар

томонидан вайрон этилган бу шаҳар салавкийлар шоҳи Антиох томонидан қайта тикланган ва унга «Окс бўйидаги Антиохия» номи берилган.

Эски Термизда дастлабки археологик қазиш ишлари 1926 – 27 йилда Б.П.Деннике ва М.Е.Масон раҳбарлигидаги Тупроққалъа археологик мажмуа экспедицияси томонидан олиб борилган бўлиб 1936 – 38 йилларда ҳам бу ишлар давом эттирилган. Қазиш ишлари кейинчалик Ш.Пидаев ҳамда Т.Аннаев томонидан давом эттирилиб, шаҳарнинг тарихи янада ойдинлаштирилди.

Эски Термиз шаҳри харобалари ва атрофининг тарихий даврларини белгилаш ҳамда археологик материаллар тўплаш мақсадида Ўрта Осиёда 1936 – 38 йилларда илк марта илмий экспедиция ташкил этилган бўлиб, илмий текшириш ишларига М. Е.Масон раҳбарлик қилган. Шу орқали Эски Термиз мажмуасида бир қанча буддавийлик ибодатхоналари жойлашганлиги аниқланди. Улардан Фаёзтепа ва Қоратепа меъморий обидалари энг кўзга кўринганларидан ҳисобланади. Шаҳар Юнон – Бактрия даврида жуда тез ўзлаштирилган. Бир даврнинг ўзида шаҳар атрофи кенгайиб, маъмурий жамоа биноси, қалъа–божхона биноси, порт (бандаргоҳ) – меҳмонхона бинолари қурилган. Кушонлар даврида шаҳар Юнон – Бактрия тархланиши асосида ўз ривожланишида давом этиб, шаҳар ташқарисида атрофи баланд девор билан ўралган, 30 га. ер майдонига эга бўлган жой бунёд этилади.

Тармита – Термиз шаҳри Юнон – Бактрия шоҳлари ҳукмронлиги даврида ўз тараққиётида янги босқичларга кўтарилиб, у том маънодаги шаҳарга айланади. Шаҳар бу даврда 10 га. дан зиёд ер майдонига эга бўлган ва у шимолий Бактриянинг энг йирик шаҳарлари қаторидан жой олган. Эрамиз бошларидан бошлаб Шимолий Бактрияда буддавийлик дини юқори ўрин эгаллайди. Тармита – Термизнинг кушонлар ҳукмронлиги давридаги шон – шуҳратига, уни узоқ ўлкаларда танилишига бу ерда жойлашган буддавийлик ибодатхоналари ва будда қохинларининг фаолияти

катта таъсир кўрсатган. Тармита шаҳри атрофида буддавийлик динига хос бўлган кўплаб маросимларга мос обидалар аста – секин қад кўтара бошлайди. Шаҳарнинг шимоли – ғарбий қисмида Фаёзтепа ва Қоратепа деб номланган йирик эҳром – ибодатхона мажмуаси, шарқда қалъа деворлари ёнида Номсизтепа дея номланган ернинг юқори қисмида жойлашган бир қатор Будда ҳайкаллари топилган. Янада шарқий томонда эса эрамиздан аввалги II асрга оид бўлган Зурмала минораси номли ступа (маҳаллий зодагонларнинг қабрлари жойлашган умумий катта иншоот) жойлашган. Кушонлар даврига оид мазкур иншоотнинг баландлиги 14,5 м. гача бўлган. Асосан тўғри тўртбурчак таҳли (22x16 м.), цилиндрсимон минора шаклида хом ғиштдан қурилган, тепасига кубба – гумбаз ишланган, оқиш рангли оҳактош билан қопланган, асосида бўртма горельеф ҳайкаллар бўлган. Тоштахталар ҳамда тарошланган бўлак парчалари кўплаб топилиши Зурмала иншоотини ташқаридан ҳам тош билан қопланган деб тахмин қилинади. Шимоли – шарқда қалъа деворлари қад кўтарган. Шимолда эса умумий ер майдони 263 га. ни ташкил этган жой ҳандақлар билан ўралган. Эрамизнинг IV – V асрларга келиб Эски Термизнинг шимолий қисмида ҳаёт тўхтайтиди. Фаёзтепа, Қоратепа ва Қўрғон қаровсиз ҳолга келади. Харобага айланган мазкур обидалар атрофидан маҳаллий аҳоли қабристон сифатида фойдалана бошлашади. Шуларга қарамай Кушон империяси ҳукмронлигидан сўнг ҳам шаҳарнинг мавқеи табора ўсишда давом этиб борди. XI-XII асрларда бунёд этилган Термизшоҳлар саройи ўз даврининг энг нодир ва ноёб ишноотларидан бири сифатида олимлар ват адқикотчилар томонидан таърифланади. Сарой бир нечта биноларда таркиб топган бўлиб, қабул саройи, меҳмонхона, зал ва турли хона ва қурилмалардан таркиб топганлиги маълумотлардан маълум. Сарой хом ғишт ва пахсадан бунёд этилган бўлиб, ички қисми ганчкорлик ва ёғоч ўймакорлиги, панжаралар, рангли шишалар, деворий сурат намуналари билан моҳирона безатилганлиги тарихда аجدодларимиз нечоғлик ақл-заковат эгаси

бўлишганлигидан далолат беради. Махсус экспедиция аъзоларининг бу ҳудудга кўплаб ташрифи сабабли, сарой ҳар томонлама чуқур ўрганилган бўлиб, ундаги ҳар бир жихат атрофлича тадқиқ этилган ва текширишлар, изланишлар олиб борилган. Шу билан бир каторда саройни таъмирлаш борасидаги фикрларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Тарих ёдгорликларини таъмирлаш умумий, яъни меъморий ёдгорликларни таъмирлаш қоидаларига бўйсунди. Ўзига хос хусусияти шундан иборатки, муайян тарихий даврга алоҳида эътибор берилади. Ёдгорликнинг тарихий қимматини очишда икки ўзаро тескари усул бор. Биринчиси, ёдгорликка тарихий ҳужжат деб қаралади ва асосан консерватсия ҳамда жузъий таъмирлаш билан кифояланади. Иккинчиси, биринчисига тескари усул бўлиб, унда ёдгорлик муайян, тарихан қимматли шахс ва воқеа билан боғлиқ даврдаги ҳолатга қайтарилади. Томошабин ўша даврга кириб кетгандай бўлади. Иккинчи усул кўп ҳолларда тўла таъмирни талаб қилади. Баъзан сохталикка яқинлаштириб қўяди. Биринчи усул замонавий таъмир назариясига мос келса-да, амалда иккинчи усул кўп қўлланилади. Икки усулдан бирини танлашда муайян шароитга қаралади. Ечим танлашда ички жиҳознинг (мебел, буюмларнинг) ҳам таъсири назарда тутилади.

Тарих ёдгорлиги айни вақтда меъморий ёдгорлик ҳам бўлганда, тарихий аслиятни сақлаб қолиш истаги бадий жиҳатларни тўла очиш истагига қарши туриши ҳам мумкин. Муаммони ҳал қилишда кўпчиликнинг фикрига таяниш керак бўлади. Меъморий ёдгорликлами таъмирлаш уни ўз ҳолида сақлаш ёки янгилаш сифатида тушунилади. Бу яна бир марта меъморий таъмир назарияси ва фанининг ҳали ҳам амалиётга кенг кириб бормаганлигини ва унинг натижаларидан унумли фойдаланилмаётганлигини кўрсатади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, бундай ҳолат кўпгина катта талафот кўйган иншоотлами таъмирлашда юзага келади. Ёдгорлик кўп шикастланмаган ҳолларда, одатда, унинг путур етган қисмини тилдаш муаммоси катта бўлмаганлиги туфайли тезда бартараф этилади. Бироқ шикастланиш даражаси

катта бўлган обидалар олдида бу жумбоқ кескинлашади. Жумладан, археологик ёдгорликлар қай ҳолатда янги замонга етиб келган бўлса, шу тарзда сақланади. Лекин баъзи ҳолларда уларни очик атмосферанинг емирувчи таъсиридан сақлаш учун ёки махсус консервацияловчи, ёки устки қисми ва атрофини муҳофаза қилувчи ёки ўша бузилишини секинлаштирувчи кичикроқ таъмир ишлари ўтказилади. Баъзида бу ишлар катта суръатни қамраб олади. Катта талафот кўрган меъморий ёдгорликлар олдида ҳам шунга ўхшаш жумбоқ пайдо бўлади. Ўйланмай-нетмай бундай ёдгорликлами тўла тиклашга интилиш археологик таъмирлаш деб тушунилади.

XI-XII асрларга оид бўлган Термизшоҳлар саройининг меъморчилиги ва ундаги безакларга бағишланган жуда катта ҳажмда адабиётлар мавжуд. Лекин уларнинг аксарияти бизгача етиб келмаган. 1890 йилда тадқиқотчи олим Каль Термизга сафари ҳақидаги кундалигида шундай деб ёзади: “Термиздан ташқари бошқа ҳаробалар Амударё қирғоғида жойлашган ва тўртбурчак шаклидаги бинони кўрамиз. Унинг ҳар бир бурчагида авваллари бинолар бўлган. Ҳозир эса деворлар каби бузилиб кетган. Шаҳар қалъадан шимоли-шарқида жойлашган, бутун бир ўлкада устунлик қилиб турар эди. Шаҳар хом ғишт билан бунёд этилган девор билан ўралган эди ва табиийки даҳаларга бўлинган эди. Қалъадан шимолга яқин даҳа 10 аршин баландликдаги 2 қават девордан иборат бўлган”.

Термизшоҳлар саройи ҳудудида кўплаб бинолар, иншоотлар, уйлар мавжуд бўлиб, тадқиқотлар давомида уларга рақамлар қўйилган ва шу аснода улар алоҳида-алоҳида таҳлил этилган. Ундаги деворий безаклар, меъморий унсурлар, хом ашёлар, конструкциялар, устунлар ва шу каби қатор кўплаб безакларга тадқиқотчилар томонидан атрофлича эътибор қаратилган ва бирма-бир ўрганиб, улар устида тадқиқотлар олиб борилган. Бу борада кўплаб фотосуратлар ҳам гувоҳлик беради.

II.3. Термизшоҳлар саройининг ганчкорлик безаклари.

Ўрта Осиёнинг сарой иншоотлари ҳақида фикр юритганимизда, аввало, тадқиқотчилар томонидан сарой деб шарҳланган айрим иншоотлар фақатгина қисман қазиб олинганлигини ҳисобга олишимиз керак. XI-XII асрлар Термиз ҳукмдорлари саройи ҳақидаги дастлабки маълумотлар Е.Ф.Каль (1863-1891)га тегишли. Қадимги Термизнинг шарқий қисмидаги харобаларни ўргана туриб, экспедиция Шеробод йўлидан узоқ бўлмаган ҳудудда харобаларга дуч келишди. Шундай курилмаларнинг бирида жанубий деворнинг шарқий қисмида ганч ўймакорлиги қопламалари излари топилган. Бу бино харобалари бошқа харобалар ичида нотекис тўртбурчак шаклда жойлашган, ҳар томондан пахса деворли думалок бинолар билан ўралган. Бу деворларнинг жанубий қисми деярли сақланиб қолмаган. Ҳаммасидан яхшироқ шарқий қисм сақланган ва маҳобатли дарвозали ғарбий қисми қисман сақланган.

XII асрда ғозний султон Абул Музаффар Баҳромшоҳ даврида саройнинг айрим меҳмонхоналари (№1 ва №3 бинолар) янги безак – ганч ўймакорлиги билан безалган. Саройнинг таъмирланишидан сўнг, уни ганч ўймакорлигидан ташқари рангли ойналар билан безатилган ганч панжаралар безатиб турди. Бундан ташқари меҳмонхона деворлари ва унга туташиб турувчи айвон, шунингдек бошқа меҳмонхоналар ўсимликсимон нақшлар билан ва баъзи жойларда оқ-мовий рангли, қора сиёҳ қалам берилган ёзувлар билан безатилган. Шунингдек, нақшли чизгилар нафақат деворларни, балки залдаги устун ва шифтларни ҳам безаб турганлиги борасидаги маълумотлар мавжуд. Унча йирик бўлмаса-да, юза қисми бузилганлиги аниқ кўриниб турган штукатурка бўлаклари сақланиб қолган. Нақшли композицияларни одатда ҳошиялаб турган бир қанча безакли тягалар ёки карнизларнинг кўплаб қисмлари қазилмалар натижасида топилган. Фрагментлар унча йирик бўлмагани сабабли нақшли

композицияларни тури ва характерли жихати хақида етарли даражада аниқлик билан баён этишнинг иложи йўқ. Бироқ думалоқ вертикал ва фризли қурилмалар қисмлари фарқлидир. Сарой чизгилари мавзуси етарли даражада турличадир. Қабулхонанинг яна бир беаги сифатида номи аниқланмаган думалоқ шиша медальон хизмат қилган. Ушбу медальонларни панжараларнинг беаги сифатида фойдаланилган бўлиши мумкин деган тахмин ҳам йўқ эмас.

Экспедиция аъзоларининг изланишлари натижасида аниқланишича, охириги таъмирлаш ишлари XII асрнинг 1-ярмида бирдан тўхтатилган, ганя ўймакорлик намунаси, елим ва фрескали нақшлар, рангли ойналар қўйилган ўйма панжаралардан иборат бўлган декоратив пардоз саройнинг хар бир биноларида ҳам мавжуд бўлган.

Б.П.Деникеннинг «Ўрта Осиёнинг меъморий беаги» (1939 йил) ва Л.И.Ремпельнинг «Ўзбекистоннинг меъморий беаги ва қурилиш тизими» (1961 йил) китобларида Термиз ганчкорлик намуналарининг тасвири кўпроқ келтириб ўтилган. Бироқ улардан девор безакларининг тақсимланишини эмас, фақатгина безаклар хилма-хиллиги ва ганч ўймакорлиги мавзусини кўриш мумкин. Бунда меҳмонхонанинг безакли деворларининг умумий кўринишини тасаввур қилиш қийин.

III БОБ. ТЕРМИЗШОҲЛАР САРОЙИ ЎЙМА ГАНЧКОРЛИК БЕЗАКЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ЛОЙИХАСИ (XI-XII АСРЛАР).

III.1. Ганчкорлик безакларини лойиҳадаги жараёнларининг таҳлили.

Битирув малакавий ишининг амалий қисми лойиҳа ва ашёдан иборат бўлиб, лойиҳаси **6 та 80x80 см** ўлчамга эга бўлган планшетларда ўз аксини топган. Унда XI-XII асрларга оид юртимиз худудидаги Термизшоҳлар саройи ўйма ганчкорлик безакларини таъмирлашдан олдинги, таъмирлашдан кейинги ҳолатлари, аксанометрияси, аналогияси, фиксацияси, нақшларининг геометрик таҳлили амалга оширилган. Лойиҳани бажаришда, туш, акварель ва гуашьдан унумли фойдаланилган бўлиб, уларни ўз ўрнида қўллаш орқали мармарнинг табиий кўринишини кўрсатиш имконияти амалга оширилди.

1 – планшет. Титул вароғи ҳисобланган бу планшетда битирув малакавий иши паспорти, яъни Олий ўқув юртининг, факультетнинг, кафедранинг ва мутахассисликнинг тўлиқ номи, мутахассислик рақами, гуруҳ рақами, дипломант номи, шунингдек факультет декани, кафедра мудир, битирув малакавий иши раҳбари номлари қайд этилган;

Қолган планшетларда асосий вазифа, яъни танланган объект ҳисобланган Термизшоҳлар саройи ўйма ганчкорлик безакларинининг таъмирлашдан олдинги ва кейинги ҳолатлари чизилганлигини гувоҳи бўлишингиз мумкин. Мазкур лойиҳа олиб борилган тадқиқот ишларининг натижаларига асосланган ҳолда яратилганлиги алоҳида аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради. Планшет устида олиб борилган барча амалий вазифалар қалам, туш, акварел, гуашь ва темпера каби техникаларда бажарилган бўлиб, қолган планшетлар ҳам айнан шу техникалар асосида чизилган. Ундан ташқари Термизшоҳлар саройи ўйма ганчкорлик безакларини графика услубида лойиҳасини чизилганлигини кўрасиз. Кейинги планшетда бир-бирига қисман ўхшаш ўйма ганчкорлик

безаклари тасвирловчи мазкур планшетдаги лойиҳада турли ҳудудларга тааллуқли ўйма ганчкорлик безаклари кўрсатиб берилган. Хусусан Бухородаги Сомонийлар саройи интерьерида жойлашган ганчкорлик безаклари бунга мисол бўла олади. Мазкур планшетга туширилган лойиҳадаги безакларни аналогиялар деб атаймиз. Сабаби умумий кўриниши, ўйиш ва пардозлаш услублари ҳамда композицияси бир-бирига жуда яқин.

III.2. Ганчкорлик безакларини амалий жиҳатдан ашёда бажарилган ишлар таҳлили.

Тезмизшоҳлар саройидаги қабуллар залининг деворида жойлашган икки бошли, яхлит танага эга бўлган фантастик кўринишдаги ҳайвонни арка ичида жойлашган ҳолдаги композицион кўриниши нусха олиш йўли билан ганчдан ясалди ва ўйиб чиқилди. Умумий ўлчамлари 85x110 см.ни, қалинлиги 4,5 см.ни ташкил этади. Дастлаб, объект тасвири миллиметровка қоғозида аниқ ўлчамлар асосида чизиб олинди. Бунинг учун эса қўшимча равишда тасвир бўлақларининг қатор эскизлари ҳам яратилди. Тасвир аниқ ва ўзгармас ҳолатда чизиб тайёр ҳолатга келтирилганидан сўнг ашёнинг асосий жараёнлари бошланди. Бунинг учун қолипга ганч қоришмаси қуйилиб, уни қуритиш керак бўлди. Сўнгра унга нусхани тушириш мақсадида бир-иккита шундай хажмли чизилган қороз орқасига елим ёпиштирилади ва юмшоқ нарса устига тахлаб кўйилди. Бу андазабуруш дейилади. Елим устидан ўтказилган чизикларнинг ҳар икки миллиметридан 4 миллиметригача бўлган масофада игна билан қаторасига тешиб чиқилди. Нақш чизиклари бир текис, аниқ чиқиши учун тешиklar ораси 0,5 сантиметрдан ошмади. Шунинг унутмаслик керакки, тайёрланаётган

махсулотиинг кесиш учун ўнғай томони игна билан тешиб, белгилаб олинди. Нақш чизилган қоғоздан иккита керак бўлса, унда игна урилган учинчи қоғознинг юз томони тахбинга қўйилди, сўнгра қора упа, ёки майдаланган кўмир элакдан ўтказилиб, юпка латта ёки икки қаватли докага тугилиб, тешиклар устидан силкитилди ва суртиб чиқилди. Ниҳоят, қоғоз бир четидан секин кутариб олинди. Шунда тахбин юзига тешиклар, яъни қоғозга чизилган нақшнинг акси ўтди.

Бу усулни Тошкент, Самарканд, Бухоро усталари ахта деб аташса, хоразмлик меъморлар улги дейишади. Ахтани шамол учирмаслиги ёки бошқа бирор нарса таъсир этмаслиги учун устига тегмайдиган қилиб қалинроқ латта ёки целлофан қоғози билан ўраб қўйилади.

Нусха туширилганидан сўнг, махсус асбоб-ускуналар, жумладан скальпель ёрдамида нақш 0,8 см.гача чуқурликда ўйиб, пардозланди. Бу жараён асл нусхадан четлашмаган ҳолда бирга-бир нусхада амалга оширилди. Шу тариқа битирув малакавий ишининг ашёдаги намунаси тайёр ҳолатга келди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, қулдорлик тузумига оид ва умуман олганда ўтмишимизнинг тилсиз шоҳиди бўлган ва чексиз сахро, шунингдек, бепоён қум – тепаликлар ичида қад кўтарган беҳисоб меъморий обидалар неча – неча асрлар силсиласига дош бериб, бизгача хароба ҳолида етиб келган бўлсада, улар бизга юксак маданиятимиз ва санъатимизни ҳозиргача тарғиб этиб, халқимизнинг ажойиб эртак ва дostonларида куйланиб келаётгани аҳамиятга лойиқдир. Дарҳақиқат, мазкур диплом ишида қайд қилинган бир қанча меъморий обидалардан топилган тасвирий ва халқ амалий санъати намуналари бизнинг беҳисоб бойлигимиз ҳисобланиб, ўтмишдаги аجدодларимизнинг ақлий – салоҳият даражасини яққол белгилаб беради. Шу билан бир қаторда халқимиз ардоғидаги маданиятимиз ва санъатимиз намуналари бўлмиш Қоратепаю – Далварзинтепа, Холчаёну – Айритом, Фаёзтепаю – Афросиёб каби меъморий обидаларимиз нафақат бугунги кунда, балки ўтмишда ҳам ҳеч бир халқлардан кам бўлмаган ҳолда ривожланганлигини кўрсатади. Бугунги кунда шу ва шу каби бошқа бир қанча меъморий обидалар Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон заминининг фахр – ифтихори ҳисобланади. Сабаби, бу меъморий обидалардан топилган тасвирий ва халқ амалий санъати турларига оид бўлган намуналар ўзбек халқининг маданий мероси сифатида эътироф этилади, ҳамда шу орқали бугунги кунга келиб ўзбекларнинг, хусусан, биз каби ёш авлоднинг ҳақиқий тоғлардайин баланд ғурурига айланган. Шундай экан, шу каби маданиятимиз ва санъатимиз пойустунлари ҳисобланган нодир меъморий обидаларни ўқиб – ўрганиш ҳамда уларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш бизнинг аجدодларимиз олдидаги энг олий бурчимиз ҳисобланади.

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

Амалий санъат – ижтимоий-шахсий турмушда амалий аҳамиятга эга бўлган бадиий буюмлар тайёрлаш ва кундалик уй-рўзгор ашёларини бадиий санъат даражасидаги мужассами. Амалий санъат асарлари инсонни эстетик жиҳатдан бойитади. Улар одатда меъморлик билан, атроф-муҳит билан ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бадиий ансамблни ташкил этади.

Амалий санъат халқнинг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилувчи санъат ҳисобланади.

Аслият — ёдгорликнинг қадимий асл қисми; ёдгорликнинг асл қисми таъмирлаш натижасида янги қўшилган қисмларидан фарқианиб туриши лозим.

Архитектоника — меъморий асарда иншоотнинг конструктив тузилишини бадиан ифода этилиш жиҳати.

Безак — бинони зийнатлаб турувчи киритма, пардоз; асосан тасвирий ва ифодавий хилига бўлнади.

Боша — устуннинг тепа қисми.

Гулдаста — бино бурчакларида қўлланиладиган устунсимон шакл.

Гумбаз – сирти эгри чизикнинг вертикал ўқ атрофида айлантериш натижасида ҳосил бўладиган том ёнма.

Ёдгорлик— қадимда пайдо бўлиб, бизгача етиб келган бино ва иншоот ёки уламинг бўлаклари, мажмуалар ҳамда тарихий боғлар; ёдгорликка нафақат алоҳида бино, балки лнинг бадиий сифатини очиб берувчи чакана қурилмалар ҳам киради.

Композиция – лотин тилидан олинган бўлиб, у бир-бирига маълум тартибда жойлаштириш, солиштириш, бирлаштириш ва мослаштиришни англатади.

Консервация – лотин тилидан олинган бўлиб, сақлаш деган маънони англатади. Бадиий қийматга ва тарихий аҳамиятга эга бўлган ёдгорликлар, бадиий асарлар, амалий санъат намуналари ва шу кабиларни узоқ вақт сақлаш

мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи. Консервация реставрация билан чамбар-час боқлиқ.

Конструкция — иншоотнинг ўзаро боғланган моддий қисмларини (девор, устун, шифт, гумбаз кабилар) ифодаловчи жиҳат.

Муқарнас – (русча сталактит) ҳажмли нақш беағи, гумбаз, ярим гумбаз, меҳроб, тахмон, равоқ, устуннинг юқори қисми, яъни бошасини беағда қўлланиладиган гириҳсимон равоқли меҳробсимон косачалардан ташкил топган мураккаб беағ.

Медальон – (италиянча медаль) нишон маъносини англатади. Доира ёки овал шаклида ишланган, тугалланган мустақил композиция. Медальонларнинг геометрик, гули, рамзий ва бошқа турлари мавжуд.

Пештоқ — киравериш қурилмаси.

Тарз - иншоотнинг ён томонидан қўриниши.

Тарҳ – арабча «лойиҳа», «режа», «чизма – эскиз» (русчада – план дейилади). Бино тарҳларини бунга мисол қилиб олинishi мумкин.

Уста – асли форс-тожик тилидан олинган сўз бўлиб, бирор ҳунарни эгаллаб, шу соҳада юқори малака орттирган шахс.

Янгилаш — йўқ бўлиб кетган бинони янгидан қуриш; бундай қурилма моҳияти жиҳатидан ёдгорлик эмас; мажмуаларнинг қадимий сифатларини тиклаш учунгина қўллашга руҳсат этилиши мумкин.

Янгилик — ёдгорликка таъмирлаш ёки қайта қуриш (реконструкция жараёнида қўшилган янги бўлак - «новодел»).

Қазма — археологияда ўрганиш учун қазилган жой (русча- «раскон»).

Қўшимча — таъмирлаш жараёнида обидага зарурат юзасидан қўшилган янги қисм, янгилик.

Шарафа – арабча «карниз», муқарнас шаклидаги карниз, биноларнинг девор ва шифт оралиғига, минораларга, тахмон, меҳробларнинг тепа қисмларига ишлатиладиган ҳажмий ўйма, мураккаб беағ тури.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Архитектуравий лойиҳалаш асослари. Ўқув қўлланма. ТАҚИ: 2000.
2. Ахроров И., Ремпель Л. Резное штук Афрасиаба. 1971.
3. Боситхонов З. Ҳандасавий нақшларнинг ечимлари. Т., 2002.
4. Волкова Ф. Общая технология керамических изделий. Т., 1983.
5. Воронина В. Народные традиции архитектуры Узбекистана. М. 1951.
6. Всёобщая история архитектуры в 12 томах. Т.8.М. . 1968.
7. Захидов П. Основы канона гармонии в архитектуре. Т., 1982.
8. Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. Т., 1966.
9. Мехайловский Э. Реставрация памятников архитектуры. Развитие теоритических концепций. М., 1971.
10. Нозилов Д. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер Т., 2005.
11. Ноткин. Бухоро ганчкорлик. Уста Ширин Муродовнинг ганчкорлик ишлари. 1961.
12. Подъяпольский С. и др. Реставрация памятников архитектуры. М., 1988.
13. Г.Пугаченкова, Л.Ремпель История искусств Узбекистана с древнейших времён до середины девятнадцатого века. М., 1965.
14. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Очерки искусства Средней Азии. Древность, средневековье М., 1982.
15. Рўлатов Х. Ўролов А. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта қуриш. Ўқув қўлланма. ТАҚИ: 2002.
16. Ремпель Л. Архитектурный орнамент Узбекистана. 1964.
17. Ремпель Л. Панджара.Архитектурные решётки и их построение.
18. Самиғов Н., Раҳимов Х. Бино ва иншоотлами консервациялаш. Ўқув қўлланма. ТАҚИ: 2003.
19. Самиғов Н., Тўлаганов А., Корнилов Х. Бино ва иншоотлар реставрацияси. Ўқув қўлланма. ТАҚИ: 2003.
20. Ўролов А. Меъморий шакллами уйғунлаштириш ва безаш. Дарслик.

Самарқанд-2003.

21. Қодирова Т., Пўлатов Х. «Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта қуриш (назарияси)» фанидан дастур. Ўз РОЎМТВ, рўйхат №:БД-5580100-3.И; 20.ХII.2006-й.
22. Қодирова Т., Пўлатов Х., Қирғизбоева З, ТурдиевА., Алимова Д. «Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта қуриш (Архитектуравий лойиҳалаш)» фанидан дастур. ЎзРОЎМТВ, рўйхат №: БД-5580100-4.06.01; 20. VII.2006-й.
23. Ҳаққулов А. Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш. Т., 1983.
24. Ҳаққулов А. Таъмирлаш санъати. Т., 1991.